

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган давлат университети  
Немис ва француз тиллари кафедраси

Филология факультети Немис тили йўналиши битирувчиси

ЭГАМБЕРДИЕВА МАҚБУЛА МАМАТВАЛИЕВНАНИНГ

“ВАМБЕРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН” мавзуида ёзган

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

катта ўқитувчи М. Тоджиходжаев

Такризчилар:

1. Ф.ф.н., доцент З. Содиқов
2. ф.ф.н. Б. Холмирзаев

НАМАНГАН – 2012

## МУНДАРИЖА

Режа.....	3
Кириш.....	4 - 8
1-боб. Вамбери ва унинг «Чигатой тили дарслиги».	
1.1. Вамберининг ҳаёти ва ижодий фаолияти.....	9 – 13
1.2. «Чигатой тили дарслиги»нинг тузилиши ва мазмуни....	14 -22
2-боб. Вамберининг ўзбек халқ оғзаки ижодига оид фаолияти.	
2.1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳақида. ....	23-32
2.2. Вамбери - «Аҳмад ва Юсуф» достони таржимони. ....	33 - 42
3-боб. Ҳерманн Вамбери ўзбек халқ мақолларининг моҳир таржимони.....	
	43 - 53
Хулоса .....	54 - 55
Адабиётлар рўйхати .....	56 - 58
Аннотация.....	59 - 60

## МАВЗУ: ВАМБЕРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН

### РЕЖА

Кириш.

- 1-боб. Вамбери ва унинг «Чигатой тили дарслиги».
- 1.3. Вамберининг ҳаёти ва ижодий фаолияти.
- 1.4. «Чигатой тили дарслиги»нинг тузилиши ва мазмуни.
- 1.5. «Чигатой тили дарслиги»даги Алишер Навоий ғазали ва унинг немис тилига таржимаси.
- 2-боб. Вамберининг ўзбек халқ оғзаки ижодига оид фаолияти.
- 2.1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳақида.
- 2.2. Вамбери - «Аҳмад ва Юсуф» достони таржимони.
- 3-боб. Ҳерманн Вамбери ўзбек халқ мақолларининг моҳир таржимони.
- Хулоса
- Адабиётлар рўйхати

## КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январда бўлиб ўтган мажлисидаги “2012 – йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасида шундай деган эди:

... таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб –хунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит, узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилганини таъкидламоқчиман.

Президентимизнинг маърузасида олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича ҳам юксак қарорларни амалга оширилаётгани ҳақида маълумотлар берилди.<sup>1</sup>

Президент Каримовнинг бу сўзлари Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ходимларининг жуда катта ва сермахсул меҳнати яқунларига берилган баҳодир. Шу билан бирга келгусида ҳам бу баҳога лойиқ бўлиш масъуллиги бор.

Ўзбекистон Президенти “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” асарида ёшларга қарата шундай ибратомуз фикрларни билдирган:

... Келажак авлод ҳақида қайғуриш соғлом, баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон кадрини, миллий кадриятларни, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаши мумкин.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бугунги кунда ўз адабиёти, маданияти, санъати ва маънавияти тарихига янги назар билан қараб, уни чин маънода авайлаб - асраб, ўрганиш имкониятига эга бўлди. Эндиликда маънавий бойликларимизни ўзимиз янгидан таниб, идрок этибгина қолмай, хорижий мамлакатлар адабиётларидаги тенденцияларни ҳам кузатиб, уларни таҳлил қилишга билимимиз етарли. Хорижий мамлакатлар олимларининг адабиётимиз ва санъатимизга қандай муносабатларда бўлаётгани, жумладан, мумтоз адабиётимиз намуналарини ўз тилларига ўгиришдаги ютуқлари ва камчиликларини кўрсатиб бериш, ўзбек миллати анъаналари ва урф – одатларини улар қандай қабул қилаётгани танқидий ва таҳлилий ўрганиш зарурияти туғилди. Бизнинг “Вамбери ва Ўзбекистон” мавзусидаги **Битирув малакавий ишининг долзарблиги** ана шунда кўринади.

### **Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.**

Жаҳон халқларининг бир – бирлари билан бўлган маданий – адабий алоқаларининг ривожиди адабиётлараро алоқалар ва таржима асарлари катта роль ўйнайди. Айниқса, бадий асарлар жаҳон адабиётининг ранг-баранглигини таъминловчи, таржима тили муаллифларига ижобий ва ижодий таъсир ўтказувчи омилдир. Айниқса, генетик жиҳатдан узоқ тиллардан ва маданий – ахлоқий қарашлари турлича бўлган халқлар адабиётларидан қилинган таржималарда миллий ўзига хослик – колоритни сақлаб қолиш ва таржима тилида имкон қадар аниқроқ баён қилиш айниқса муҳимдир. Зеро шошма – шошарлик билан, фақат маъно кетидан қувиб, беписандлик билан қилинган таржималар миллий кадриятларни тасвирлашда чалкашликка, ноаниқликка сабаб бўлса, иккинчи томондан -

<sup>1</sup> Каримов И. А. “2012- йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.” // “Халқ сўзи”, 20.01. 2012 .

<sup>2</sup> Каримов И. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори:- Тошкент, ”Ўзбекистон”, 1996. Б. 8

илмий жиҳатдан ноўрин ҳаракатдир. Айниқса ўзбек адабиётини хорижда, аслият тилида ўқиб ўрганишни истаган кўплаб кишилар учун ёзилган дарсликларни кузатиш, уларнинг ватанимиз тарихи ва миллатимиз қиёфасини тасвирлашдаги маҳоратини таҳлил қилиш биз филологларнинг вазифамиздир.

Битирув малакавий ишидан кўзланган мақсад ва вазифалар куйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон тарихи, адабиёти ва санъатига оид хорижда, хусусан Германияда амалга оширилган ишларни танқидий ўрганиш;
2. Европада ўзбек тили ва адабиётини ўрганувчилар учун чиқарилган дарсликлар сифатини аниқлаш;
3. Ҳерман Вамберининг ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганишга оид хизматларини баҳолаш.

### **Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги.**

Ўзбек тили ва адабиётининг Ғарбий Европа халқлари тилларига муттасил ўгирила бориши ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётида мустақкам ўринга эга эканлигини намойиш қилди. Бугунги кунга қадар Ғарб ва Шарқ адабий алоқалари ва таржимашунослик муаммолари бўйича Ўзбекистонда бир қатор тадқиқотлар олиб борилди. Бу борада Ф. Сулаймонова<sup>3</sup>, Н. Комилов<sup>4</sup>, Н. Отажонов<sup>5</sup>, М. Холбеков<sup>6</sup>, З. Содиқов<sup>7</sup>, С. Исматов<sup>8</sup>, Д. Ибрагимова<sup>9</sup> каби кўплаб ўзбек олимлари муваффақиятли фаолият олиб бормоқдалар. Айниқса, Навоий асарларининг хорижий тилларга таржималари таҳлилига оид бир неча тадқиқотлар яратилган.

Таржима нафақат адабиётлар ва маданиятлар ўртасидаги мулоқотни йўлга қўювчи, балки жаҳон халқлари ўртасида ўзаро ишонч, меҳр-муҳаббат ва дўстликни мустақкамловчи ҳамда тинчликни сақлашда асосий қуролдир.

Навоий ўз асарлари билан вафотидан 57 йил ўтгач Европа адабиётига қабул қилиниб, ҳозирда жаҳон адабиётининг машҳур адиблари қаторидан ўрин олган бўлса, Бобораҳим Машраб ва Хожаназар Ҳувайдо шеърлари XX асрнинг бошларидан немис тилига ўгирилди. Шоир асарлари биринчи бор аслиятдан эмас, балки, Европа тилларига қилинган таржималар орқали ўгирилди. Мажор шарқшуноси Ҳерманн Вамберининг сайъ-ҳаракати билан 1867 йилда шоир қисса ва ғазаллари бевосита ўзбек тилидан немисчалаштирилди.

<sup>3</sup> Сулейманова Ф. Из истории взаимосоотношений литератур Востока и Запада/ Древный период/: Автореферат дис... докт.фил.наук .в форме научного доклада. – Ташкент, 1991.

<sup>4</sup> Комилов Н. Бу қадимий санъат. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

<sup>5</sup> Сулейманова Ф. Из истории взаимосоотношений литератур Востока и Запада/ Древный период/: Автореферат дис... докт.фил.наук .в форме научного доклада. – Ташкент, 1991.

<sup>6</sup> Холбеков М. Узбекско-французские литературные связи./ в аспекте перевода, критики и восприятия/: Дисс. ... канд. фил. наук.-Самарканд, 1991.

<sup>7</sup> Содиқов З.Я. Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг” асари олмонча ва инглизча таржималарининг қиёсий таҳлили. Филол.фанл.докт.дис. ... - Тошкент, 2010.

Битирув малакавий ишига мавзу қилиб олинган “Вамбери Ўзбекистонда” (Ҳерман Вамберининг “Чиғатой тили дарслиги”) мавзуси жаҳон ва ўзбек олим ҳамда адилларининг кўплаб тадқиқотларида ёритилган. Жумладан, филология фанлари доктори, профессор Ғайбулла Саломовнинг “Таржима назарияси асослари” ва “Таржима назариясига кириш” профессор Нажмиддин Комилов билан ҳамкорликда ёзилган “Дўстлик кўприклари” китобларида, шунингдек, профессор Йўлдош Нурмуродовнинг бир қатор ишларида бир қадар ёритилган. Филология фанлари доктори, профессор Қудрат Мусаевнинг “Таржима назарияси асослари” дарслиги гарчи мустақиллик даврида яратилган бўлса - да, унда айнан шу мавзу бир қанча тиллар мисолида умумий ҳолда ёритилган.

Шунингдек, Фёдоров, Комиссаров каби бир қатор олимлар асарларида бу мавзуда ишлар қилинган. Аммо уларнинг ишлари маънавий жиҳатдан эскириб, мустақиллик даврига тўғри келмайди. Ишда, шунингдек, Европа шарқшунослари томонидан ўзбек тили ва адабиётининг хорижий мамлакатларда ўрганилишига оид бўлган ва асримиз бошларида яратилган асарлар ҳақидаги интернет маълумотларидан ҳам кенг фойдаланилди. Битирув малакавий ишида Вамберининг “Чиғатой тили” дарслигидаги мавзулар ва олимнинг ўзбек халқ оғзаки ижодига оид тадқиқотлари махсус ўрганилгани билан БМИнинг илмий янгилигини белгилайди.

**Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти .** Ёритилаётган мавзудан қиёсий адабиётшунослик, тарих, таржима назарияси ва амалиёти фанларида маъруза ва семинар машғулотларида кенг фойдаланиш, шу мавзудаги маънавий соатлари ва турли шунингдек, келгусидаги Битирув малакавий ишларидаги амалий фойдаланиш мумкин.

**Битирув малакавий ишининг манбалари.** Ишда асосан, профессор Й. Нурмуродовнинг “Ўзбек фольклари немис тилида“, Қудрат Мусаевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида яратилган “Таржима назарияси асослари” (Тошкент, 2005 йил) шунингдек, филология фанлари доктори, профессор Ғайбулла Саломовнинг “Таржима назарияси асослари” ва “Таржима назариясига кириш”, профессор Нажмиддин Комилов билан ҳамкорликда ёзилган “Дўстлик кўприклари”, Мўминжон Сулаймоновнинг “Ўзбек халқ оғзаки ижоди“ ўқув қўлланмаси каби китобларидан фойдаланилган. Шунингдек, Фёдоров, Комиссаров, Боровкин, грузин таржимашуноси Гачечиладзе каби бир қатор хорижий олимларнинг назарий қарашлари ҳам ишга маълум даражада муҳокамага киритилган.

**Битирув малакавий ишининг таркиби:**

Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **1-боб. Ҳерманн Вамбери ва унинг «Чиғатой тили дарслиги».**

### **1.1. Ҳерманн Вамберининг ҳаёти ва ижодий фаолияти**

Ўзбек халқи улкан эпик ва лирик ижодиёт соҳибидир. Бу ҳайратомуз ижодиёт таркибига кирган монументал дostonларни, ижтимоий-сиёсий ғояларга бой эртақ ва афсоналарни, ўз турмуши ва маишати билан маҳкам боғланган кўшиқ ва лапарларни, ўзида фалсафийлик ва синчковликни жо этган мақол ва топишмоқларни асрлар давомида халқимиз оғзаки айтиб, куйлаб келди. Лекин буларни ёзиб олиш, нашр этиш ва ўтмиш

авлодлардан келажак авлодларга қолдириш ишлари билан XIX асрнинг ўрталаригача ҳеч ким махсус шуғулланмаган эди. Ўрта ва Марказий Осиё халқлари оғзаки ижод дурдоналарини тўплаш, нашр этиш ва бошқа тилларга таржима қилиш ишлари, асосан, XIX асрнинг 50-йилларидан Европа ва Россия олимлари томонидан амалга оширила бошланди. Бу ўринда В.В.Радлов, В.В.Бартольд, Н.Ф.Катанов, Н. Н. Пантусов, Ч. Ч. Валихонов, А.А.Диваев, Г.Н.Потанин, Х.Вамбери, Н.П.Остроумов ва бошқалар турк, уйғур, ўзбек, қозок, туркман, қирғиз, қорақалпоқ халқларининг оғзаки ижодидан намуналар тўплаб, оригиналда ҳамда русча, немисча ва бошқа тиллардаги таржималари билан нашр этганликларини алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Этнография, тарих, шарқшунослик, археология, география, тилшунослик, адабиётшунослик ва бошқа соҳаларга оид илмий иш олиб борган бу олимлар муайян халқ тарихи, географияси, урф-одати, яшаш шароити, иқтисодий-сиёсий ва маиший ахволини ўрганиш мақсадида фольклор ва адабиёт асарларини тўплаш ва нашр этишга алоҳида эътибор берганлар. Бу ўринда туркий халқлар фольклори ва шевалари материаллари асосида тузилган академик В.В. Радловнииг (1837—1918) машҳур ўн томлигини эслаш ўринлидир<sup>10</sup>. Чунки бу улкан куллиётнинг 1— 6 - томларига кирган фольклор материаллари немисча таржимада ҳам нашр этилган. Аммо ўн томликдан ўзбек фольклорига доир материаллар жой олмаган. Бу толмас олим 1860 — 1870 йилларда Олтой, Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиё бўйлаб бир неча экспедицияларда қатнашган бўлса-да, ўзбек фольклоридан материаллар тўплаганлиги маълум эмас.

Феодал бош-бошдоқлик нихоятда кучайган бир замонда жуда махфий ҳолда тўпловчилик ишлари олиб борган атоқли венгер туркшуноси ва этнографи, Венгрия Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўрта Осиёнинг дастлабки тадқиқотчиларидан Херман Вамбери ўзбек халқ оғзаки ва ёзма адабиётининг бир қанча намуналарини биринчи бўлиб нашр этган ва уларни немис тилига таржима қилган олим ва мутаржимдир.

1832 йилда Венгриянииг Пресбург вилоятида камбағал оилада туғилган Херман ёшлигидан бошлаб тил ўрганиш билан жиддий шуғулланди. Уни узоқ - узоқларда яшовчи халқларнинг тилини ўрганиш, урф-одатларини билиш қизиқтирар эди. Ана шу мақсадда 15 ёшиданок лотин, немис, грек, инглиз тилларини пухта ўрганиб олди.

Вамберининг номи кейинги пайтларгача “Герман” тарзида ёзилиб келинмоқда. Аммо уни ўзбек тили фонетик қоидаларига мос ҳолда аслидай «Херман» шаклида ёзиш зарур. Немис ва ўзбек тилларида бир-бирига талаффузи жиҳатидан тўла мос келувчи “х” товушининг мавжудлиги шуни тақозо этади. Айрим маибаларда «Арминий Вамбери тарзида ҳам берилган. Немис тилидаги “ха” товушининг иккинчи ҳарфи олинганлиги сабабли “Арминий” бўлиб қолган. Натижада, унинг асарларининг рус ва бошқа тилларга қилинган таржималарида муаллифнинг номи икки хил ёзилиб келинмоқда. Олимнииг немис тилида чиққан барча асарларида ва унинг ҳақидаги манбаларда эса, номи фақат “Херман” тарзида ёзиладики, ўзбекчада ҳам шуни сақлаш зарур

1856 йилда етарли пул жамгаргач, туркий тилларни ва уларнинг урф-одатларини ўрганиб, ўзига ишонч осил қилган Херман Истамбулга келади. 1862 йилда Истамбулдан Техронга қараб йўлга чиқди. Макка ва Мадинадан қайтаётган бир гуруҳ дарвешларга қўшилиб, хожи-дарвеш қиёфасида Мозондарон, сўнг Афғонистонга келади. Туркман саҳроси орқали кўп азоб-укубатлар билан Хивага, ундан Қизилкум саҳроси орқали Бухорога ўтади.

Вамбери Бухорода бўлар экан, бундай мухитга мослашган, беш маҳал намозни қанда қилмас, ҳар сўзида қуръон оятларини тиловат қилиб турарди. Бу эса унга европаликка нисбатан шубҳа туғдирмаслик учун қулай восита эди. Кейинчалик у: “Ҳақиқатдан ҳам Бухорони Ўрта Осиёнинг пойтахти дейишлари бежиз эмас экан. Айниқса, чет элдан келган кишилар учун Бухорои шариф ҳақиқий маданият ўчоғидир.

<sup>10</sup> Бу ҳақда қаранг: Нурмуродов Й. Ўзбек фольклори немис тилида. Тошкент: Фан, 1987

Мен бу шаҳарнинг номини тилга олганда, кўз олдимда Париж ва Лондон гавдаланади”<sup>11</sup>, — деб ёзган эди. Шу билан бирга у шаҳар кутубхоналарида турли фанларга оид китоблар сақланаётганлигини, мадрасаларда эса нукул диний китоблар ўқитилаётганлигини жуда афсусланиб ёзади.

Вамбери Техрондан бошланган саёхатининг биринчи кунидан Самарқандга келгунча халқ оғзаки ижоди материалларини ва ёзма адабиёт намуналарини тўплади, уларнинг куйланиш ва ижро этилиш шароитларини кузатди. Маҳаллий халқарнинг ҳаёти ва турмуши, маросимлари, урф-одати ва расм-русмларига доир бой материаллар тўплади. У саёхатининг охирида тўплаган материалларини ҳамда 24 ёшлар атрофидаги кўнғиротлик (хивалик) ўзбек Мулла Исҳоқни ўзи билан бирга Венгрияга олиб кетди.

Мулла Исҳоқ Венгрияда венгер тилини ўрганиб, Янош Аренининг “Ажойиб оҳу ҳақида афсона” поэмасини ўзбек тилига таржима қилган. Унинг нутки ва маълумотлари асосида Вамбери ва бошқа венгер олимлари Хива диалекти ва ўзбекларнинг ҳаёти ҳақида асарлар ёзганлар. Жумладан, венгер олими Йожер Буденцнинг “Хива ўзбеклари тўғрисида” асари 1865 йилда “Тилшунослик хабарлари журнали”да босилиб чиққан эди.

Вамберининг Ўрта Осиёга қилган саёхати ва у тўплаган материаллар Европада катта шов-шувларга сабаб бўлди. Бу шов-шувлар у саёхат қилган жойларга ҳам етиб келди. Турли матбуот органлари унга мурожаат этиб, мақолалар ёзиб беришни сўрадилар. Саёхатдан қайтишга улгурмасдан, ҳаёти эртаксимон бу кишини Англия, Германия университетларига чақириб, лекциялар ўқиш, китоблар чиқариш ва дарсликлар устида ишлашга ундадилар.

Херман Вамбери умри давомида адабиётшунослик, тилшунослик ва этнографияга доир йигирмадан ортиқ йирик асарлар яратдики, уларнинг кўпчилиги ҳаётлик чоғидаёқ (Вамбери 1913 йилда вафот этган) рус, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Унинг тадқиқотлари орасида “Ўрта Осиё бўйлаб саёхат”, “Ўрта Осиё очерклари”, “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи”, “Менинг ҳаётим”, “Шарқнинг ҳаёти ва урф-одатлари очерклари”, немис тилидаги таржимаси билан биргаликда нашр этилган “Юсуф билан Аҳмад”, “Шайбонийхон” дostonлари муҳим ўрин тутди.

Бу ўринда Вамберининг барча асарлари хусусида батафсил тўхталиб ўтиш имконияти йўқ ва буни ушбу битирув малакавий ишимиз характери талаб этмайди. Шунинг учун биргина асари — 1867 йилда Лейпцигда нашр этилган “Чигатой тили дарслиги”<sup>12</sup> хусусида айрим мулоҳазалар билан чекланамиз. Хусусан унинг томонидан Шарқнинг буюк алломалари - Навоий, Бобур, Машраб, Шайдоий каби шоирлар ижодига оид айрим ғазалларни моҳирлик билан таржима қилганини таъкидлаш жоиз.

Фикримизни асослаш учун Шайдоийнинг “Баҳор келди зеболаниб...” мисралари билан бошланувчи ғазалининг немисча таржимасини келтирамыз:

Der Frühling kam. In duft'ge Rosenmatten  
Verwandelt ist die Welt. Die Rose blüht  
An Baum und Strauch, im Abendschatten  
Singt heut der Sprosser schon sein Klagelied.

Zur Wonne treibt mit lautem Jubelschallen  
Des Frühlings knospenreiche Werdezeit.  
Entzücken schwellt die Brust. Sie bringt vor Allen  
Den Liebenden der Liebe Seligkeit.

<sup>11</sup> Вамбери Г. Путешествие по Средней Азии. Москва, 1867, с. 145 (янги нашри: Москва, 1999).

<sup>12</sup> “Tschagaische Sprachstudien” von. H. Vambery. Leipzig, 1867.

Mit Zier und Schmuck erschien, in goldig-zarten  
Gewändern, weiss und rot, der Holden Kranz,  
So dass die Welt gleich einem Tulpengarten  
Ringsum erstrahlt von ihrer Schönheit Glanz.

Unendlich war mein Liebesschmerz. Versunken  
In ihrem Anblick schwanden mir die Sinn'.  
O, tadelt mich nicht, wenn ich wonnetrunken  
Wie die Verliebten alle heute bin.

Im Frühlingsaufzug kamen in dem Reigen  
Die Rosenwangigen gepaart heran:  
Die Lippen, rot, wie dem Rubin es eigen,  
Zu zuckersüssen Worten aufgethan.

Und sollten die cypressengleichen Schlanken  
Den Schleier lüften, brächt' es sichern Tod  
Für Tausende, die von den Blicken sanken; –  
Doch ist um Liebe sterben nicht Gebot?

Unendlich viele seh' ich sich ergehen,  
Der Augenbrauen Schwung mit Schwarz getränkt;  
Von Wang' und Händen Rosendüfte wehen,  
Entschleiert und in Schleier tief versenkt.

Nun sagt mir, welcher soll den Kranz ich reichen?  
Wie leicht bei so viel Glanz das Auge irrt,  
Da Alle strahlend schön dem Monde gleichen,  
Da ihrer Schönheit Pracht Schejdai ganz verwirrt?<sup>13</sup>

## 1.2. «Чигатой тили» дарслигининг тузилиши ва мазмуни

Вамберининг «Чигатой тили дарслиги» 1867 йилда Германиянинг Лайпциг шаҳрида нашр қилинди. Маълумки, Германия кучли ривожланган наشريёт – матбаа тизимига эга бўлган давлат сифатида машҳур бўлиб, унда турли жанрдаги асарлар, илмий – техник мавзудаги кўплаб дарсликлар нашр қилинган. «Чигатой тили дарслиги» 368 саҳифадан иборат бу асар ўзбек фольклори ва адабиёти бўйича ўзига хос антологиядир. Халқимиз оғзаки ижоди ва адабиётига доир материаллар биринчи марта бошқа тилга — немис тилига таржима қилиндики, булар ана шу китобдан ўрин олган. Бу — венгер олимнинг буюк хизмати дир. 20 аснинг 20-йилларида Европа ва Россия шарқшунослигида, Туркологияда эски ўзбек тили ва классик адабиётга нисбатан «Чигатой

<sup>13</sup> Seidel, A. (Hg.): Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur. Weimar: Verlag von Emil Felber, 1898, S. 89-90.// google. books.de

тили”, “Чиғатой адабиёти” терминлари қўлланган. Бунинг асосиз ва хато эканлигини олимлар тўла ва ҳар томонлама исботладилар. Ҳозирги пайтда бу атамалар батамом истеъмолдан чиқиб кетди. Ана шу хато йўлни бошлаб берган Вамбери илгари уч хонликда сўзлашилган тилни “Чиғатой тили” деб атаган. Шу билан бирга уни бошқа тиллардан фарқлаш учун “ҳақиқий ўзбек-турк” тили терминини ҳам ишлатган. Аммо бу хато терминнинг узоқ йиллар фанда ўрнашиб қолишида Вамберининг юқоридаги асари асосий роль ўйнаган, чунки дарсликда унга расмий тус берилган. Бу— Вамберининг жиддий хатосидир

“Чиғатой тили дарслиги” тадқиқот, хрестоматия (текст) ва луғат қисмларидан иборат. Китобнинг бундай тузилишининг ўзиёқ унинг дарслик-қўлланмалар доирасидан чиқиб, том маънодаги филологик тадқиқотлар даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Бу эса, Вамберининг жуда пухта илмий принциплар асосида иш кўрганлигининг, юксак даражадаги профессионал тайёргарлигининг ёрқин далилидир.

Китоб қисқача сўз боши билан бошланади. Унда автор бу асарини асосан ўз саёҳати давомида Европага олиб кетилган қўлёзмалар, тўпланган материаллар асосида чиғатой тилини <sup>14</sup> ўрганувчилар учун мўлжаллаб ёзилганлигини баён қилади. У тилларни қиёсий ўрганишнинг ва ўзи тўплаган материалларнинг аҳамияти ҳақида шундай деб ёзади: «Хитойдан Дунайгача бўлган халқларнинг тиллари, уларнинг ички ва ташқи муносабатлари, кейинги тараққиёти — ҳаммаси бир-бири билан узвий боғлиқдир... Бир пайтнинг ўзида икки эътиқодда бўлиш жуда оғир экан. Туркистоннинг сахро ва ўтлоқларида ялангоёқ, дарвеш қиёфасида юриб, тил ва адабиётга оид қимматбаҳо материаллар йиғиб келганим учун ҳеч ким ҳеч нарса демаса керак. Уларнинг фан ривожини учун аҳамияти каттадир, деган умиддаман»<sup>15</sup>.

Дарсликнинг тадқиқот қисми икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда шарқий туркий тиллар тавсифланади. Иккинчи бўлим «Адабий алоқалар» деб номланиб, бунда Вамбери дастлаб ўзи тўплаган ва ўрганган ёзма ва оғзаки адабиёт намуналари исломдан кейин яратилганлигини баён қилиб, шундай ёзади: «Ўрта Осиёдаги туркий халқлар ислом динидан олдин ёзилган китобларга эгами йўқми, билмадим. Лекин бир олим мулла менга шундай деди: “Уйғур ва араб графикасида кўпгина эртақ ва романлар, дostonлар ҳозирги кунда ҳам Тяньшань тоғ бағирларида яшовчи кўчманчиларда бўлиши керак, қадимги қўлёзмалар ҳам ўшаларда бор»<sup>16</sup>. Вамберига бу хабарни берган киши қайси асарларни назарда тутган? Бу ҳозирга қадар номаълумлигича қолиб келаётир. Эҳтимол, қирғиз халқининг улкан “Манас”ини назарда тутгандир? Нима бўлса ҳам шу хабарнинг ўзи анча қизиқарлидир.

Венгер сайёҳи усмонлилардагидек Ўрта Осиёда ҳам таълим руҳи, маданий кўтарилиш, айниқса, адабиёт юқори даражада эканлигини таъкидлаш билан бирга Алишер Навоий ижодига жуда юқори баҳо беради. “Биринчи бўлиб турк тилини жорий этган, ўша тилни асослаб, асарларини шу тилда ёзган улуғ олим Мир Алишер Навоийдир... Ҳозирги кунда Навоий тили Ўрта Осиёнинг адабий тилига айланган”. Бошқа бир асарида у Ўрта Осиё халқларининг ҳаёти поэзия билан бурканганлигини ҳайратланиб ёзади. “Шарқ азалдан орзу-хаёллар ватани бўлган, чунки ижтимоий ҳаёт ибтидоийлик белгиларини ўзида сақлаб қолган. Бошқача айтганда, цивилизация қанчалик ёш бўлса, поэзия ва уйдирмага умумий майл, ғайритабиий муболаға ва афсонага қаттиқ ишқивозлик шунчалик кучли бўлади. Шунинг учун ҳам поэзияга Париж ёки Лондондаги маърифатли жамият аъзоларига нисбатан қирғиз (қозоқ) ўтовларида яшовчиларда кучли майл бўлганлиги ҳеч кимни ҳайратлантормаслиги керак... Ўрта Осиёда бир-бирини севиб қолган ошиқлар ҳам,

<sup>15</sup> Vambéry H. Tschaghataische Sprachstudien. Leipzig. 1867. S. 7-8.

қадди букилган қариялар ҳам, шунингдек, жангчи ва чўпон, диндор ва ўқимишли кишилар ҳам — ҳамма бирдай поэтик ижодиётга кизиқади”<sup>17</sup>.

Шуниси характерлики, “Чиғатой тили дарслиги” асарида “Юсуф билан Аҳмад”, “Бахши китоби”, “Зарқум”, “Тоҳир ва Зухра”, “Ойсанам— Шоҳсанам”, «Хурлиқо ва Хамро», “Ошиқ Ойдин”, “Хирмон дали”, “Саид Баттол”, “Абу Муслим” каби бадиий ва яна бир қатор тарихий асарларга умумий тавсиф берилади, бир қанча туркий халқлар (ўзбек, туркман, қозоқ) ижодига доир айрим адабий парчалар қиёсий текширилади. Вамбери қарашларида ноаниқликлар, чалқашликлар, айрим ҳолларда хатолар (масалан, у ёзма адабиётда бир хилликни кўради, миллий ўзига хосликни инкор этади) бўлса-да, илк дафъа ўттиздан ортиқ асар ҳақида маълумотлар бериши унинг жуда синчковлик билан ишлаганлигидан далолат беради.

Хилма-хил адабий ёдгорликлар китобнинг хрестоматия қисмида берилган. Бу қисмга ёзилган қисқача сўз бошида муаллиф ўзи эълон қилаётган материаллар Европа учун жуда ҳам ноёб ва ниҳоятда қизиқарли эканлигини таъкидлагач, бир юз ўн иккита ўзбек халқ мақолини араб ва лотин графикасида беради ва немисча таржимасини келтиради. Мақоллар ниҳоятда аниқ таржима қилинган, чунки у мақолларни халқ ҳаёти, урф одати, турмуши ва фалсафасини ўрганишда асосий восита деб билади.

Вамбери келтирган мақолларни диққат билан ўрганиш шуни кўрсатадики, сайёх уларнинг кўпчилигини Хоразмда тўплаган. Ўтган асрларда ҳозирги Ўзбекистон территориясида фольклористик ишлар ниҳоятда кам олиб борилганлигини ҳисобга олсак, бу материаллар халқ ижодини қиёсий ўрганишда катта аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан равшанлашади. Масалан, ҳозир ҳал орасида “Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” мақоли кенг ишлатилади. Ўтган асрнинг ўрталарида Вамбери бу мақолнинг “Уста кўрган шогирд ҳар қадамга йўрғалар”, “Уста кўрмаган шогирд андин-мендин қармалар» шаклидаги вариантларини ёзиб олган. Бу хил фактлар у ёки бу мақолнинг тилимиздаги тараққиётини ўрганиш учун муҳимдир. Ёки, “Ўзбек халқ мақоллари” (Тошкент, 1978) тўпламида “Тўй тегишлиники, ҳайит барчаники” мақоли келтирилади. Вамбери эса, унинг “Ҳайит—отлиники, тўй—тўнлиники” вариантини ёзиб олган. Мақолларнинг бу хилдаги вариантларини бир бирига қиёслаш уларнинг синфий моҳиятини ҳар томонлама очишга имкон беради.

Вамбери халқ мақолларини немис тилига таржима қилишда ҳам катта муваффақиятларга эришган. Бунда у мақолларни аниқ, академик таржима қилиш йўлини тутган. Уларнинг ўзбек тилидаги маъноларини бериш мумкин бўлмаган ўринлардагина у изоҳлардан фойдаланган.

Китобнинг хрестоматия қисмида мақоллардан кейин оригиналда ва немисча таржимада берилган адабий парчалар янада ранг-барангдир. Улар Вамберининг қизиқ иш доираси ниҳоятда кенглигидан далолат беради. Бу материаллар куйидагилардан иборат: “Бурқ девона”, “Меърожнома”, “Саидваққос”, “Зарқум” қиссаларидан, “Юсуф билан Аҳмад”, “Тоҳир ва Зухра”, “Сайфул мулк” дostonларидан парчалар ва бошқалар. Хрестоматия қисмидаги “Бахши китоби” деб берилган намуналар алоҳида қизиқиш уйғотади. Бунда автор Сўфи Оллоёр, Насимий, Алишер Навоий, Фузулий ғазалларидан намуналар келтирган. Китоб ҳақида автор шундай дейди:

«Менинг қўлимдаги бу асар бахшилар севиб куйлайдиган ғазаллар тўпламидир. Бу китобда Навоий, Насимий, Фазулий ғазаллари бўлиб, жуда тушунарли битилган. Шоирларнинг туркман ва ўзбеклар орасида севилиб ўқиладиган ва куйлайдиган шеърларидир”<sup>18</sup>.

<sup>17</sup> Вамбери Г. Очерки Средней Азии. М., 1868, с. 324.

Атоқли сайёҳ Вамбери халқимиз орасида машҳур кўпгина қўлёзма китобларни олиб кетган бўлса-да, улардан “Чигатой тили дарслиги”нинг хрестоматия қисмида юқорида эслатилган айрим намуналарни, шунингдек, “Қутадғу билиг”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Шайбонийхон” дстонларини немисча таржимаси билан тўла равишда нашр этиб улгурди, холос. Колган материалларнинг қаердалиги маълум эмас.

Тарихий-этимологик, изоҳли, икки тилли ва кўп тилли луғатлар тил тарихини ўрганишда, миллий лексиканинг ўзгариш ва бойиш жараёнини аниқлашда муҳим манба сифатида хизмат қилиб келаётган экан, ҳозирги кунга қадар фанга кам маълум бўлган ёки ўрганилмай келинаётган шу хилдаги луғатларни тадқиқотлар доирасига киритиш принципаал аҳамиятга эга. Ана шундай асарлардан бири Вамберининг «Чигатой тили дарслиги»нинг таркибий қисми ҳисобланган чигатойча-немисча-французча луғатидир. Бу луғат, шунингдек, филология ва тарих илмининг турли соҳаларига оид бошқа асарлари Вамберини туркий халларнинг тили, адабиёти ва тарихини ўрганган тиним билмас тадқиқотчи, жонли тилнинг жуда нозик томонларини мохирлик билан ҳис эта билган тилшунос-лексикограф эканлигини тасдиқлайди. Бу ўринда “Чигатойча - немисча-французча луғат” ҳақида айрим мулоҳазалар билдиришни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Вамбери туркий тилларни ўрганишнинг дастлабки босқичидаёқ Ўз олдиға луғат тузишни мақсад қилиб қўйди. Бу ҳақда олимнинг ўзи шундай дейди: “Мен турк тилларини ўрганишни давом эттирдим, аввало оғир асарларни таржима қилишдан бошладим, шу таржима давомида тўплаган сўзларимни бошқаларға енгил бўлиши учун Истамбулда биринчи марта 14000 сўзлик чўнтак луғатини туздим ва у 1858 йилда Пьер Георг Келлер нашриётида чоп қилинди. Бу менинг биринчи китобим ва Туркияда немис тилидаги биринчи китоб эди”<sup>19</sup>. Вамберининг бу луғатига талаб янада кучайди. У яна янги луғат тузиш устида иш олиб борди ва ниҳоят 1860 йилда унинг 40000 сўзлик иккинчи китоби “Чигатойча-немисча луғати” нашр этилди. Вамбери тузган луғатлар туркий тиллар билан қизиққан ва уларни ўрганаётганлар учун ўз даврида асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди. Бу дарсликдаги луғатда 10000 дан ортиқ ўзбекча сўз, бирикма, мақол ва маталлар немис ва француз тилларига таржима қилиниб, кенг изоҳланади.

Луғат “Сўз боши” билан бошланади. Унда автор шундай деб ёзади: «Ушбу луғатда мен чигатой тили сўзлари хазинасидан усмонли халқларға тушунарли бўлмаган ёки бошқа синонимлар орқали бериладиган сўзларни олишға ҳаракат қилдим. Булар, яъни китобларда учрайдитан арабча, форсча сўзлар бўлиб, шарқий туркларда ғарбий туркларға нисбатан кўпроқ ишлатиладиган сўз ва иборалардир. Чунки бу сўзлар Ўрта Осиёда бир маънода ишлатилса, араб ва форсларда бошқа маъно беради ёки аксинча. Бу сўзлар, асосан, Ўрта Осиё халқлари жонли тилида жуда кўп ишлатилади ва адабий тилдан бир оз фарқ қилади, шунинг учун ҳам бу тилни кўркмасдан халқ тили десак бўлади”.

Вамбери сўз бошида Лондон ва Будапешт кутбхоналарида учраган туркий тилларға оид луғатлар билан танишиб чиққани, унга, айникса, Алишер Навоий асарлари юзасидан тузилган “Бадое – ул - луғат”, “Абушқа”, “Санглох” номли луғатлар ҳамда Файзуллохоннинг Калькуттада 1825 йилда нашр этилган “Чигатойча-форсча луғати” катта фойда берганлигини айтиб, бу луғатларға қуйидагича қисқа тавсиф беради: “Мен Навоий асарларининг омма иши учун тузилган “Абушқа” луғатини чуқур ўргандим. Тезда бу ноёб асарни венгер тилиға таржима қилишни бошладим. Айникса, бу луғатдаги Навоий асарларидан олинган қисқа-қисқа парчалар мени тўлқинлантиради. Ниҳоят, 1862 йилда “Абушқа” таржимасини тугатиб, уни венгер тилида чоп қилдирдим”.

Вамберининг уч тилли луғатининг характерли томони шундаки, унда классик адабиётда халқ оғзаки ижоди намуналаридан изоҳ, учун мисоллар берилмаган (мақол ва маталлар бундан мустасно). Луғатнинг лексик таркиби асосан туб сўзлардан иборат, изоҳлардаги қўшма ёки ясама сўзлар келтирилган.

<sup>19</sup> Вамбери Г. Моя жизнь. М., 1914, с. 135.

Луғат араб алифбоси асосида тузилган бўлиб, бош сўздан кейин унинг лотин графикасида транскрипцияси берилган, ундан сўнг немисча ва французча таржималари келтирилган. Алиф билан бошланган сўзларнинг деярли кўпчилик қисми ҳозирги ёзувда о, з, у, ў ҳарфлари билан бошланувчи сўзларни ташкил этади.

Луғатда бош сўз транскрипциясидан кейин катта қавс ичида унинг қайси тилга тааллуқли эканлигига оид маълумотлар берилган. Масалан: очар (аз), эжа (трк), атик (аз), ашамак (кирг.) каби. Луғат мақолаларида бош сўздан кейин кичик қавсда ўзбекча сўзларнинг Ўрта Осиёдаги уч хонликнинг қайси бирига оид эканлиги ҳам кўрсатилган. Маънодош сўзлар эса кетма-кет эмас, балки алфавит тартибида берилган.

Тилимизда қўлланилаётган сўзларнинг аксарияти кўп маънолидир. Вамбери сўзларнинг бундай маъно нозикликларини ҳам очиқ беришга, уларни тегишли мисоллар билан тасдиқлашга ҳаракат қилган. Албатта, бунда сўзларнинг ҳамма маъноларини эмас, балки ўзи билганларинигина таржима қилган. Бу эса унинг туркий тилларни пухта билганлигини кўрсатади. Масалан: уруғ—ўзаро қон-қардош кишилар бирлиги; уруғ—экиладиган уруғ; уруғ— уруғ - аймоқ, туғишган; уруғ—данақ; ўт—ўсимлик; ўт—олов; ўт— буйруқ феъли.

Кўринадики, муаллиф сўзларнинг хилма-хил маъноларига алоҳида эътибор берган ва уларнинг немис, француз тилларидаги муқобил вариантларини топа билган. Бугина эмас. У сўзларнинг контекстуал маъноларини очиқ беришга ҳам катта эътибор берган. Масалан, ўтмоқ—ичи ўтмоқ, совуқ ўтмоқ, гуноҳидан ўтмоқ. У ёки бу сўзнинг иккинчи тилда муқобил эквиваленти топилмаган тақдирда у ёйиқ изоҳлардан фойдаланган. Масалан, ўра—сабзавот ва меваларни сақлаш учун қазиладиган чуқур жой. Саксовул жуда каттиқ ёқиладиган ёғоч бўлиб, кумда ўсади, узоқ ва кучли алангага эга. Ош—палов маъносида—ўзбекларнинг миллий таоми бўлиб, сабзи, гўшт ва гуручдан тайёрланади.

Луғат таркибига киритилган юзлаб фразеологик иборалар, мақол ва маталлар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки улар бевосита меҳнаткашлар оммасидан олинган бўлиб, тил нуқтаи назаридангина эмас, балки фольклоршунослик ва этнографик нуқтаи назаридан ҳам қимматлидир. Авторнинг билимдонлиги шундаки, у мақол, ибора ва бирикмаларнинг маъноларини жуда тўғри тушунган, таржимада уларга мос эквивалентлар то- па олган. Муқобил эквивалентлар топилмаган айрим ҳоллардагина уларнинг немис ва француз тилларидаги изоҳи берилган. Луғат қисмида келтирилган мақолларда фразеологик иборалар сўзнинг қайси маъносига тегишли бўлса, шу маъно ичида берилган. Алифбо тартибида учрайдиган жой номларининг қисқача қайси хонликка ёки давлатга дахлдор эканлиги ва унинг этимологиясига оид маълумотлар келтирилган. Масалан: Олақўрғон, яъни Олақўрғон Ҳиротдаги катта қалъалардан бири бўлиб, уни ҳозир қалъаи Ихтиёридин деб ҳам атайдилар. Хива—Хива шу номдаги хонликнинг ва олдинги Хоразмнинг пойтахтидир. Луғатда сўзларнинг грамматик категорияси (қайси сўз туркумига мансублиги) кўрсатилмаган. Отлар деярли бош келишиқда ва бирлик формада, сифатлар оддий даражада берилган, лекин жуфт сифатлар жуда кўп келтирилган: олабула, қип-қизил каби. Луғатда сонлар, олмошлар ҳам бор. Кишилиқ олмошларининг шевалардаги формалари аниқ таржима килинган ва қайси шевага тааллуқли эканлиги кўрсатилган. Феъллар, асосан, эски ўзбек тилига хос-мак аффиксли ҳаракат номи шаклида берилган. Феълларнинг замон формалари нисбатлари бош сўздан кейин мақола ичида келтирилган. Айрим феълларнинг буйруқ майли формаси ҳам қайд этилган: ўткармак — ўткар, ўт; алишмак — алиштир каби.

Вамберининг уч тилли луғати қатор фазилатлари билан бир қаторда айрим нуқсонлар, ноаниқ таржималардан ҳам ҳоли эмас. У ўз билимига таяниш билан бирга кўпгина сўзларни дўсти Мулло Исҳоқ изоҳига ишониб баён этган. “Менинг бу ишимни юзага келишига ўзимнинг шахсий манбаларим қанчалиқ ёрдам берган бўлса, мен билан бирга келган қўнғиротлик Мулло Исҳоқ (ҳозир у Пештда яшамокда) шунчалик кўп ёрдам берди. У менга жонли йўлланма бўлиб хизмат қилди” (198-бет).

XIX асрнинг иккинчи ярмида туркий халклар тарихида биринчи марта яратилган Вамберининг уч тилли луғати тўғрисидаги бизнинг умумий мулоҳазаларимиз уни чинакамига ўрганиш учун бир турткидир, холос. Зеро, бу кимматли асар диалектологик ва лексикографик тадқиқотлар учун бой манбадир. XIX аср шароитида шундай уч тилли луғатнинг юзага келиши ва нашр этирилиши жуда катта ҳамда машаққатли меҳнатнинг самарасидир. Туркология тарихида муҳим ўрин тутган Вамберининг “Чигатой тили дарслиги”, жумладан, унинг луғат қисми ўзбек тили тарихий тараққиётини, миллий лексиканинг ўзгариши ва бойиш жараёнларини тадқиқ қилишда ноёб манба сифатида муҳим аҳамиятга эгаки, бу нарса уни ҳар томонлама ўрганишни талаб қилади.

2-боб. Вамберининг ўзбек халқ оғзаки ижодига оид фаолияти

2.1. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳақида.

Фольклор намуналари жонли оғзаки ижро шароитларида ратилади, тар қлади, ривожланади ҳамда улар шундай шароитларда айтилади, ижро этилади, куйланади ва кўрсатилади. Бу ҳол уларнинг юзага келиши, халқ орасида тарқалиши ва сақланиб қолишида ўзига хос айтувчилик, куй-лончилик ва ижрочилик анъаналарини юзага келтирган. Бундай анъаналар эса ҳаммиша ва ҳамма вақт муайян шахслар — ижодкорлар, ижрочилар ва бошқарувчилар фаолияти билан маҳкам боғлангандир. Фольклор асарларининг турфа хил ғоявий - эстетик ва функционал назифаларни ўташи, ижтимоий ва маиший ҳаётнинг турли - туман соҳалари билан шартланганлиги уларнинг жанрий хилма-хиллигини ҳам тақозо этади. Бу ҳол маълум бир жанрлар билан боғланган ижодкор ва ижрочиларнинг ўзига хос муайян ижодий типларини юзага келтирадиги, жаҳон тарихий-фольклорий жараёни учун умумий бўлган бу қонуният ўзбек халқ оғзаки ижодига ҳам тўла тааллуқлидир.

Ўзбек фольклорининг кейинги тараққиёти даврлари, хусусан, тўпловчилик ишлари бошланган вақтлардаги ҳолати айтувчиликнинг, бир томондан, ўта профессионалликнинг, ижодкор ва ижрочиларнинг муайян жаирларга боғланиб қолганлиги, иккинчи томондан айрим ижрочи типларининг йўқола бориши, улар ижро этан асарларнинг, ҳатто бутун бошли баъзи жанрларнинг қолдиқ ҳолидагина сақланиб қолганлиги, синкретик куйчиларнинг қолмаганлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам фольклор, ижодкорлари ва ижрочиларининг қадимги вакиллари ita типлари ҳақида деярли материаллар тўпланмаган ва ўрганилмаган. Фольклор асарларининг юзага келиши, уларнинг жонли яшаши ва муайян функция ўташи бевосита ижрочилар шахсияти билан боғлиқ экан, бундай шахслар жанр табиати, профессионаллиги даражаси ва ижодкорлик қобилиятига кўра айрим ижодий типларни ташкил этадилар. Шу нуқтаи назардан фольклор жанрларига назар ташласак, уларнинг бир қаторлари оммавий репертуардан ўрин олган. Масалан, мақол, топишмоқ, афсона, ривоят, нақл, олқиш, қарғиш, қўшиқларнинг айрим турлари, оилавий-маиший ва мавсумий фольклорнинг бир қанча жанрлари оммавий тарзда ижро этилади, яъни уларнинг

намуналарини озми-кўпми барча айта олади. Бу жанрларга мансуб асарларнинг бир хисми бир ёки икки киши томонидан айтилса ёки куй-ланса, бошқалари кўпчилик бўлиб ижро этилади. Аммо юқоридаги жанрлар ижросида ҳам уларнинг намуналарини кўп ва хўп билувчи иқтидорли шахслар, айтайлик, тўй қўшиқларини ижро этувчи ва бошқарувчи махсус лапарчи, ўланчилар ёки «Чоймомо», «Суст хотин» каби маросимларнинг сўзамол ва билагон бошқарувчилари бўлганлигини ҳам унутмаслик керак. Айтувчиларнинг айрим жанрлар бўйича профессионаллашуви жуда қадимдан бошланган. Ўзбек маросим фольклорини анча пухта текширган Б. Саримсоқовнинг аниқлашича, сўзнинг магия қудратига асосланган маросим фольклори ижрочиларини уч гуруҳга бўлиш мумкин. Булар бахшилар (парихон, шаман), бадияхон, кинначилардан иборат хомий руҳлар томонидан танланган шахслар, бурей-бурейларни айтувчи, авровчилардан иборат алоҳида қобилиятга эга бўлган кишилар ва, ниҳоят, олқиш, қарғиш каби жанрларнинг тарихан профессионал бўлган ижрочилари ҳисобланадилар. Кейинроқ муаллиф конкрет жанрлар, конкрет ижрочи тип-лари ҳақида сўзлаганда, шундай ёзади: «Жуда кўп кинначиларнинг берган маълумотларига қараганда, улар ёшлигида касалликка кўп чалинадилар ва бутунлай соғайиб кетиш учун кинначилик ёки бахшилиқни ўз бўйинларига олишга мажбур бўладилар. Агар шундай қилинмаса, кинначилиқнинг юки босиб, оқибатда уларни ҳалок қилиши мумкин эмиш. Кинначилиқни қабул қилувчи киши бирор машҳур бахши ёки кинначига бориб, жонлик сўйиб, қон чиқариб, чалпак пишириб, чироқ ёқиб келади ва қирқ кун (баъзан тўққиз кун) чиллада ўтиради. Чилла пайтида гўёки унинг кўзига момолар, чилтонлар, муаккилар кўринар эмиш. Аммо бўлажак кинначи улардан кўркмаслиги, аксинча, уларга ўзини бағишлаши керак эмиш».

Ўзбек маросим фольклори билан боғлиқ ижрочи типларини ҳар томонлама ўрганиш махсус тадқиқотларни талаб қилади. Бизнинг назаримизда, бу нарса фольклорнинг бошқа жанрларига алоқадор ижодкорлар ва ижрочилар (масалан, эртақчи ва дostonчилар) фаолиятини ўрганишда ҳам муҳим очқич вазифасини ўтай олади.

Профессионал тайёргарликни талаб қилувчи фольклор жанрларидан бири эртақдир. Ўзбек халқ эртақлари бирмунча текширилган<sup>5</sup> бўлса-да, эртақчилар ва эртақчилик ҳақида тадқиқотлар йўқ ҳисобида. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, эртақларнинг ҳам айрим турлари оммавий репертуардан кенг ўрин олган. Бу оталар, оналар, боболар, момолар, энагалар эртақчилиги ҳисобланади. Аммо ҳақиқий эртақчиликни эгаллаш учун муайян тайёргарлик кўриш зарур.

Кейинги даврда ёзиб олинган эртақлар таҳлили профессионал эртақчиларнинг уч ижодий типи мавжудлигини кўрсатмоқда. Биринчи гуруҳга классик эртақчилик қонун-қоидаларини тўла сақлай олган ва уларни барча жозибадорлиги билан бизгача етказган эртақчилар киради. Бу хил эртақчилар эртақларнинг ҳамма турларини айтиш билан бирга сеҳрли эртақлар ижросига алоҳида эътибор берганлар. Ҳасан Худойбердиев, Ҳусанжон Расуловлар шу хилдаги иқтидорли эртақчилар ҳисобланадилар.

Ўзбек эртақчилигининг кейинги тараққиётида қиссахонларга яқин эртақчи типи юзага келганга ўхшайди. Уларнинг репертуарида соф эртақлар билан бир қаторда қиссалар ва ёзма адабиёт таъсирида юзага келган на-муналар ҳам бўлади. Тил ва услубда маълум маънода китобийлик кўзга ташланади. Ўзбек халқининг дostonчилик ижоди фавқулудда ходисалардан биридир.

<sup>5</sup> Жўраев Маматқул. Фольклоршунослик асослари. Тошкент, 2009., Ўзбек эртақларида сеҳрли рақамлар. Тошкент, 1991. И м о м о в К. Ўзбек халқ оғзаки прозаси. Тошкент. 1981; Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. Тошкент. 1976. Турсунов З. Ўзбек

халқ эртакларининг немис тилига таржималари.// Тил ва таржима муаммолари. № 5,  
Наманган, 2010, .

Шунинг учун ҳам ўзбек фольклоршунослигининг тонгидаёқ халқ ижодчиларининг биографиясини, уларнинг яшаш тарзи ва ижодини ўр-ганишга алоҳида эътибор берилди. Бу йўналиш Ҳоди Зарифнинг «Халқ шоири Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан», «Ўзбек эл шоири Фозил Йўлдош ўғли» (Аланга. 1928 йил, 10—11-сонлар) мақолалари билан бошланган эди ва узлуксиз давом этиб келмоқда. Натижада турли даврларда, турли савияларда ёзилган мақолалар билан бирга айрим брошюралар, монографиялар ва коллектив тадқиқотлар ҳам юзага келди <sup>6</sup>. Буларда етакчи халқ шоирларининг ҳаёти, ижоди ва репертуаридаги айрим эпик асарлар текшириладики, улар бахшилар фаолиятини ўрганишдаги дадил кадам сифатида баҳоланиши керак.

Эпик асарларни куйловчи ижодкорлар — дostonчиларни халқ орасида турли-туман атамалар (бахши, шоир, жиров, жирчи, оқин, охун, санновчи, юзбоши, соқи, созанда, созчи, халфа) билан номлаб келганлар. Халқ дostonчисидан бўлак яна турли-туман маъноларда қўлланидиган бу атамалар эпик асарларни куйловчи ижодкорни билдирувчи сўз сифатида айрим олинган районларда ишлатилади. Масалан, дostonчини Хоразмда, Қўқон ва Оҳангарон атрофларида, Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл районларида «бахши», Самарқанд вилояти районлари, Навоий вилоятининг Хатирчи, Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз, Китоб, Деҳқонобод, Кўкабулоқ, Ғузор, Чироқчи, Косон районларида «шоир», Навоий вилоятининг Нурота, Навоий, Конимех, Жиззах вилоятининг айрим районларида «жиров», Сирдарё вилоятининг айрим жойларида «оқин», Фарғона водийсида «санновчи», «охун», Сурхондарёнинг Денов, Шўрчи, Бойсун, Шеробод районлари атрофларида «юзбоши», Сурхондарё ва Жанубий Тожикистоннинг айрим ерларида

<sup>6</sup> Ўзбек фольклори очерклари. 1-жилд. Тошкент: Фан, 1988, Жўраев Маматқул. Фольклоршунослик асослари. Тошкент, 2009, Каримова З. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Тошкент. 1984; Афзалов М. Пўлкан шоир. Тошкент. 1955; М. Сулаймонов. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Наманган, 2012.

«созанда», Жанубий Тожикистон ўзбеклари орасида «соқи», Жанубий Қозоғистон ўзбеклари орасида «жирчи», Хоразмда гармонда дoston куйловчиларни «созчи», аёл дostonчиларни «халфа» деб юритадилар. Айрим жойларда «бахши» атамаси дostonни мусиқа асбобисиз айтувчиларга нисбатан ҳам қўлланилади. Баъзан ўта сеҳргар, сўзамол, талантли ижодкорларни исмларидан кейин «чечан», «жуйрук», «булбул» каби сўзлар билан улуғлаганлар. Масалан, Жуманбулбул, Абдукарим жуйрук каби. Агар илгарилари халқ орасида «шоир», «жиров», «жирчи», «оқин», «охун», «санновчи», «юзбоши», «соқи», «созанда» сўзлари ишлатилган ерларда «бахши» сўзи дostonчи маъносида қўлланилмаган бўлса эндиликда параллел ишлатиш ёки кўпроқ «бахши терминини қўллаш кўчаймоқда. Бундай атамаларни ижодкорларнинг айрим типларига нисбатан қўллашда ҳам баъзи айирмаликлар кўзга ташланмоқда. Буни «бахши» ва «шоир» сўзларининг қўлланиш доиралари мисолида ҳам яққол кўрамиз. «Шоир» арабча сўз бўлиб, поэтик асарлар ижодкори бўлган ёзма ва оғзаки адабиёт вакилларига нисбатан қўлланилади. Оғзаки нутқда бу сўз баъзан кўчма маънода ҳозиржавоб, ширинсухан шахсга нисбатан ҳам ишлатилади. Ҳозирда халқ орасида ҳам, фанда ҳам «бахши» ва «шоир» сўзларини қўллашда муайян айирмаликлар, фарқлар мавжуд. «Бахши» сўзи умуман дostonчиларга, эпик асарларнинг барча куйчиларига нисбатан ишлатилса, «шоир» айрим ўта қобилиятли ижодкорларга нисбатан қўлланилади. Халқ ижодида .ниҳоятда бадиҳагўй ижодкорларни, эпик традиция доирасида ўзларининг янги-янги вариантларини, хатто янги дostonларни ҳам ярата оладиган дostonчиларни «шоир» деб аталади. Масалан, Эргаш шоир, Фозилшоир, Ислом шоир,

Пўлкан шоир ва бошқалар. Шундай қилиб, «бахши» халқ достончиси маъносида умумўзбек сўзи сифатида тўла ўзлашди ва фольклоршуносликнинг асосий терминига айланди. Шунинг учун ҳам бу ўринда «бахши» сўзи англаган маъноларга кентроқ тўхталишни лозим кўрамиз.

Ўтмишда бахши сўзининг ишлатилиш доираси ниҳоятда кенг бўлган. Бу сўз достончи ва шаман маъноларидан ташқари турли-туман вазифаларни бажарувчи шахсларга нисбатан ҳам (касб ёки унвонни билдирувчи сўз сифатида) қўлланган. Будда динидаги қаландар-ларни (санскритча «бхикшу» сўзи «қаландар», «дарвеш» деган маънони беради), мўғулларда жарроҳ (хирург)ларни, калмиклар, мўғуллар, манжурларда юқори диний лавозимдаги кишиларни, турли хужжат ва хатларни уйғур ёзувида кўчирувчи котибларни, турли даражадаги маҳкама ва идора хизматчиларини, Чигатой улуси, Олтин Ўрда, Қозон ва Қрим хонлигидаги котибларни, бобурийлар давлатидаги ҳарбий қисмларнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб боровчи ва уларга маош тўловчи йирик амалдорларни, Бухоро хонлигида давлат бинолари қуришда маблағ ҳисобини олиб боровчи ходимларни, туркманларда уруғ оқсоқолларини бахши деб аташгани тарихий-адабий асарлардан маълум. Ҳозирги кунда ўзбек фольклоршунослигида фақат достончи маъносида қўлланилади.

Бахшилар халқ достонларини бирор созда, кўпчилиги дўмбира, айримларигина кўбиз ёки дуторда куйлай-дилар. Масалан, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан, Абдулла шоир, Мардонқул Авлиёқул ўғли, Умир Сафаров каби бахшилар дўмбира чертса, Дўстёр Хўжаёр ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли кабилар кўбиз тортган, Бўри Содик ўғли достонларни дутор билан ижро этган. Айрим қобилиятли, музыкага ўта иқтидорли бахшилар ўрни билан икки, ҳатто уч музыка асбоб би-лан достонларни куйлай олганлар. Масалан, Бола бахши дутор, тор, рубобда, Бекмурод Жўрабой ўғли дўмбира ва кўбизда достонларни ижро этишган. Хоразм бахшилари эса достонларни, асосан, дуторда куйлайди-лар, уларга ғижжак ва буламонда созчилар жўр бўлади.

Хоразмда устоз бахши раҳбарлигида 3—5 кишидан иборат ижрочилар коллективи тузилади. Хоразм бахшиларининг бундай ансамбли устоз бахши, бир буламончи, бир ғижжакчи ё икки буламоқчи, икки ғижжакчи ёки фақат буламончи ва буламончилар ҳамда фақат ғижжакчи ва ғижжакчилардан иборат бўлади. Шогирдлар бу сирага кирмайди. Таълимнинг кейинги босқичларида шогирдлар дуторда устоз бахшига жўр бўлишлари мумкин. Бунда ансамбль аъзоларининг сони шогирдларнинг сонига қараб кўп ё оз бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, асримизнинг 30-йилларидан бошлаб бир неча Хоразм бахшилари достонларни тор ва рубобда куйлай бошла-дилар. Шу муносабат билан айрим бахшилар ансамбли-да ғижжак ўрнига скрипкадан фойдаланиш, ансамблга доирачи, ҳатто ўйинчи олиб кириш ҳоллари бўлди. Бола бахши ва унинг ансамбли бунга яққол мисол бўла олади. Лекин бу ҳол умумий эпик аънаъна учун типик ҳодиса эмас.

Хоразмда эпик асарлар ёки уларнинг парчаларини гармонда ижро этиш ҳоллари ҳам мавжуд. Бундайс ижодкорлар бахши эмас, балки созчи деб юритилади. Масалан, Қурбон созчи, Қодир созчи ва бошқалар. Созчилар эпик асарларни тўла ижро этишдан кўра, ундан парчалар, термалар ва ўзлари яратган асарларни куйлашга алоҳида эътибор берганлар.

Юқорида баён қилинганлардан кўринадики, эпик асарларни куйлаш, авлоддан-авлодга сақлаб қолиш ва элга етказишда Ўзбекистоннинг деярли барча ерларида яқка ижрочилик ҳукмрон бўлса, Хоразмда асосан коллектив ижрочилик (ансамбллик бахшилар ижрочилиги) етакчилик қилади. Ижро давомида достонларнинг шеърий қисмлари куйланса, насрий ўринлари бахшиларнинг ўзларига хос ёқимли овозда сўзланади.

Хоразмда эпик асарларни, улардан олинган парчалар ва айрим термаларни куйловчи ва айтувчи ижодкорларнинг яна бир турини халфалар деб юритилади. Халфачилик аёллар орасида кенг тарқалган. Халфачилик санъати икки хил: а) ансамбллик халфалар б) яқка халфалар.

Ансамблли халфалар уч кишидан иборат, яъни улар устоз халфа бошчилигида (халфанинг ўзи гармон<sup>8</sup> чалади ва ашула айтади), доирачи (ашулага жўр бўлади ва баъзан рақсга тушади), ўйинчи (рақсга тушади, қай-роқ билан ўйнайди, ялла ва лапар айтади, баъзан доира чалади) бирлашиб, тўп, ансамбль ташкил этадилар. Бу ип халфалар халқ дostonларини, улардан олинган парчаларни, тўй кўшиқларини, лапар ва яллаларни, ўзлари яратган ёки бошқа ижодкорлар асарларини гармон ва доира жўрлигида куйлайдилар. Биби шоира, Хонимжон халфа, Ожиза, Анаш халфа, Назира Собирова кабилар шундай халфалардандир. Халфалар дoston куйлаганларида, ансамбль аъзолари асар қахрамонлари кўшиқларини навбатма-навбат ижро этишлари ҳам мумкин.

Якка халфалар дoston ва кўшиқларни созсиз ижро этадилар. Улар дostonларни ёдаки ёки қўлёзма ва китоб-дан қироат билан бадий (ёқимли оҳангда) ўқиш, «Ёр-ёр», «Келин салом», «Муборак» каби тўй кўшиқларини чиройли ижро этиш билан шуҳрат қозонганлар. Бу жи-ҳатдан улар ўтмишда хотин-қизлар орасида китобхонлик (қиссахонлик) қилган отин ойиларга ўхшаб кетадилар. Розия Матниёз қизи, Саодат Худойберганова, Пошша Саидмамат қизи, Амбаржон Рўзиметова, Аноржон Раз-зоқова кабилар шундай халфалардандир. Ансамблли халфалар тўй ва тантаналарга иштирок этсалар, якка халфалар тўю тантаналардан ташқари мотам маросимида ҳам хизмат қиладилар. Мотам кунларида «Иброҳим Адҳам», «Бобо Равшан» каби дostonлар қироат билан ўқилган.

Халфалар кўпроқ «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Ошиқ Ойдин», «Ошиқ Албанд», «Асилхон», «Хурлиқо ва Ҳамро», «Қумри», «Қиссаи Зебо», «Тулумбий», «Завриё», «Тоҳир ва Зухра», «Дурапшо», «Бозиргон», «Хирмон дали», «Гулруҳ пари» каби дostonларни, Махтумқули шеърларини, турли маросим кўшиқларини ва ўзлари яратган асарларни ижро этадилар.

Ўтмишда эпик асарларни халққа етказишда қиссахонлар ҳам маълум роль ўйнаганлар. Қиссахонлар халқ дostonларининг қайта ишланган нусхаларини, қи-зиқарли таржима ҳикояларни, классик адабиёт намуналаридан «фольклорлаштирилган» вариантларни, турли хил жангеомаларни чойхоналарда, турли йиғинларда, халқ тўпланган жойларда, бирор шахс томонидан махсус уюштирилган қиссахонлик кечаларида ёдаки ёки қўлёзма ва босма матн асосида ўзларига хос оҳангда ўқиганлар. Бунда асарнинг прозаик қисмини айтишда алоҳида оҳанг, интонация бўлса, шеърини ўринларини ижро этишда ҳам ўзига хос оҳанг, интонация бўлган. Бироқ улар ижросида асосан бир хиллик ҳукмрон.

Қиссахонлар репертуари жанр эътибори билан ҳам, ғоявий-тематик хусусиятлари жиҳатидан ҳам ранг-барангдир. Улар халқ дostonларининг қайта ишланган вариантларини, классик адабиёт намуналари асосида тузилган нусхаларни («Баҳром ва Гуландом», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сайфул-Малик», «Юсуф ва Зулайхо»), таржима асоси-да юзага келган асарларни («Рустами Дoston», «Қиссаи Жамшид», «Вомиқ билан Узро», «Варқа билан Гулшоҳ») ижро этиш билан бирга диний мазмундаги қиссаларни («Зарқум», «Муҳаммад Ҳанафия», «Бобо Равшан», «Иброҳим Адҳам») ҳам ўқиб юрганлар.

Ўтмишда қиссахонлик асосан шаҳар жойларида, шаҳарга яқин йирик қишлоқлар ва район марказларида кенг ривожланган бўлиб, кейинги вақтларда ижтимоий ва маданий ҳаётдан батамом йўқолди. Бу нарса ижод ва ижронинг шу турига нисбатан ижтимоий талабнинг сўниши, кўплаб китоб босиб чиқарилиши, жумладан, илгари айтиб юрилган қиссаларнинг ҳам нашр этилиши, халқимизнинг ёппасига саводхонлиги билан боғлиқдир.

Эпик асарларнинг куйчилари ва ташувчилари ҳақи-да юқорида баён этилган мулоҳазалардан шу нарса маълум бўладики, халқ дostonларини кенг меҳнаткашлар оммаси орасида куйлашда ва авлоддан авлодга етказишда ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам энг асосий ва фахрли ўринда бахшилар бўлган. Демак, бахши дostonчидикда асосий

фигура, ижодкорлик ва ижрочиликни ўзида мужассамлаштирган санъаткор, жуда кўп куй-ларни билган ва уларни мохирлик билан ижро эта оладиган музикант, баъзан ўзи ҳам янги куйлар ярата оладиган бастакордир.

Ўзбек бахшилари амалиётини кузатиш шуни кўрсатмоқдаки, улар эпик репертуарни ўзлаштириш даражаси, дostonчилик санъатини қай даражада эгаллаганликларига қараб иккига бўлинадилар: а) профессионал бўлмаган бахшилар; б) профессионал бахшилар.

Профессионал бўлмаган бахшилар дostonларни тўла билмайдилар, балки ундан айрим парчалар, термалар куйлайдилар. Бундай бахшилар хонандалик иктидорига эга, ammo улар профессионал таълим олмаганлар, муайян устоздан ўтмаганлар. Уларнинг айримлари маълум бир устоздан таълим олган бўлсалар-да, ўзларининг иктидорлари етишмаганидан ҳаваскорлик даражасида қолиб кетганлар, мустақил дostonчи бўлиб етишмаганлар.

Профессионал бўлмаган бахшилар ўзларининг иктидорлари, ижодкорлик қобилиятлари жиҳатидан бир хил эмас. Уларни икки типга:

а) ҳаваскор бахшилар; б) термачи бахшиларга бўлиш мумкин. Ҳаваскор бахшилар ўз эшитганларини ёки ўқиганларини ёдлаб олиб, ўз дўстлари даврасида, кичик йиғинларда куйлаб келадилар. Улар асосан дostonларнинг қизиқ-қизиқ парча-ларини, термаларни куйлай оладилар. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, умуман, ҳамма типдаги бахшилар ҳаваскорлик босқи-чини ўз бошларидан кечирганлар. Талантли бахшиларнинг барчаси дастлаб ҳаваскор бўлганлар. Бу ўринда гап ҳаваскорлик даражасида қолиб кетган, муайян устоздан ўтган бўлсалар-да, мустақил дostonчи бўлиб етиша олмаган бахшилар ҳақида кетмоқда. Табиий, халқ орасида дostonчиликка ҳавас қўйган бундай кишилар жуда кўп бўлган. Улар термачилар билан биргаликда талантли ва етакчи бахшиларнинг актив тингловчилари бўлганлар. Кўп ҳолларда шундай тингловчилар «цензорлик» ролини ўйнай олганлар.

Термачи бахшилар асосан термаларни чиройли ва жозибадор куйлаш билан донг таратганлар, дostonлардан ўрганган парчаларини ҳам терма қилиб куйлаганлар.

## 2.2. Вамбери «Аҳмад ва Юсуф» дostonи таржимони.

Асрлар давомида оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган дostonларни ёзиб олиш ва бу билан уларга мангулик бахш этиш ишларига анча кеч киришилди. Авваллари кўзга ташланадиган бундай ишлар ниҳоятда кам бўлиб, улар ҳам айрим шахсларнинг интилиш ва ташаббуслари билан боғлиқдир. Европа жамоатчилигига, умуман, фан оламига биринчи марта маълум бўлган дoston «Юсуф билан Аҳмад» ҳисобланади. Бунда Херман Вамберининг муносиб хизмати бор.

«Юсуф билан Аҳмад» дostonи туркий халқлар, хусусан, ўзбек, туркман, уйғур, қозоқ ва қорақалпоқ халқлари орасида жуда кенг тарқалган. Асрлар давомида бахшилар уни севиб куйлаб келганлар. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, дostonнинг Хоразм вариантини қаламга олиш, ундан нусха кўчириш ишлари бошланган. Чунки текширувчиларнинг таъкидлашича, Хоразм бахшилари XIX асрнинг ўрталаридан халқ дostonларини устоздан ўрганиш билан ёзма нусхаларидан ўрганишни ҳам бошлаганлар, яъни Хоразм Бахшисининг кўлида дostonнинг ёзма тексти ҳам мавжуд бўлган<sup>20</sup>. Ҳ. Вамбери “Юсуф билан Аҳмад” дostonининг Хоразм бахшилари ёки саводли кишилар томонидан амалга оширилган ана шундай қўлёзмаларидан бирини 1862—1863 йилларда

Ўрта Осиё бўйлаб қилган саёҳати пайтида қўлга киритади ва уни ўзи билан бирга Венгрияга олиб кетади. Қўлёзмадан танлаб олинган парчаларни оригиналда ва немисча таржимаси билан ўзининг дастлабки асари “Чигатой тили дарслиги”нинг хрестоматия бўлимига киритади. Китобнинг тадқиқот қисмида дoston ҳақида умумий маълумот беради, унинг қисқача мазмунини келтиради. Дostonнинг мазмунини баён қилишда Бўзўғлон ва унинг жиянлари Юсуф билан Аҳмадлар юрти — Исфархон шаҳрини уларнинг душмани Гўзалшоҳ юрти деб кўрсатиб, ноаниқликка йўл қўяди. Ҳолбуки, дostonда Гўзалшоҳ юрти Масал (Миср) шаҳридир. Шунга қарамай, Вамбери дostonнинг умумий хусусиятини, асосан, тўғри белгилайди. У шундай ёзади: “Юсуф билан Аҳмад” дostonи наср ва назмдаги романтик эпос бўлиб, стили ва баёни соф ўзбек диалектида эканлигини, бироқ унга бахши ёки қўлёзмани кўчирувчи шахс кўчманчи қўшни халқларга тушунарли бўлсин учун қирғизча ва қорақалпоқча сўзларни қўшганлигини таъкидлайди.

Вамбери Ўрта Осиёга қилган саёҳати давомида қаерга бормасин “Юсуф билан Аҳмад”, “Тоҳир ва Зухро” дostonларини жуда кўп эшитганлигини, халқ бахшилари чўпонлар, деҳқонлар орасида катта ҳурматга сазовор эканликларини ўзининг ҳамма китобларида алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у “Юсуф билан Аҳмад” дostonи қўлёзмаси устида узок йиллар иш олиб борди. Бу иш 1911 йилгача, яъни унинг тўла икки тилли (ўзбекча ва немисча) нашрини амалга оширмагунча тўхтамади. Бу орада у “Шайбонийхон” дostonини немис тилига ўгириб, оригинал билан биргаликда нашр эттирди. Вамберининг тинимсиз хизматлари туфайли “Юсуф билан Аҳмад”<sup>21</sup> дostonининг немисча наشري юзага келди.

Дoston сўз бошисида таржимон шундай дейди: “Бундан 44 йил олдин мен “Чигатой тили дарслиги” китобимда ушбу халқ эпосидан намуналар таржима қилиб нашр қилдирган эдим. Ўша пайтда менда ғоятда оммалашган бу поэмани тўла таржима қилиш ғояси туғилган эди. Бироқ зарур ишлар билан банд бўлганлигим учун бу ноёб асарни тўла нашр этиш вақти келишини ўйлар эдим. Бугун, менинг 79 ёшимда шундай кун келганга ўхшайди... Энди уни қаттиққўл шарқшунос дўстларимга ҳавола қиламан”<sup>22</sup>.

Вамберининг “Юсуф билан Аҳмад» дostonига ёзган сўз бошиси принципаал аҳамиятга эга. У муайян информатив характерга эга бўлса-да, ўзбек дostonидаги дастлабки тадқиқотлардан ҳисобланади. У дostonнинг мазмунини, тил хусусиятлари ва яратилиш даври ҳақида эътиборли мулоҳазаларни илгари суради. Унинг фикрича, дoston яратилиш жиҳатидан ўзбек эпоси бўлиб, бундан уч-тўрт аср илгари (ХУІ — ХУІІ асрларда) юзага келган. Шу билан бирга унда айрим ҳолларда исломгача бўлган қарашларнинг излари ҳам сақланиб қолган. Бугина эмас, Вамбери дoston ўзбеклардан ташқари туркманлар орасида тарқалганлигини, унинг тилида ҳатто озарбайжонча ва форсча элементлар мавжудлигини ҳам таъкидлайди. Дostonнинг юзага келиш даври ҳақиқати Вамбери фикрларини ҳозирги замон тадқиқотчилари тўла қувватлаш билан бирга унинг Хоразм муҳитида яратилганлигини таъкидлайдилар<sup>23</sup>.

Вамбери томонидан ёзилган сўз боши барча афзалликларига қарамай, муайян камчиликларга ҳам эга. Жумладан, у адабий алоқалар ва тилларнинг бир-бирига таъсирини жуда ибтидоий тушунади. Масалан, “Юсуф билан Аҳмад» дostonида форсча ва тожикча сўзларнинг учрашини кўчманчилар аристократиясида “форс қулларининг” мавжудлигининг натижаси деб билади. Ёки дostonнинг халқ ўртасида машҳурлигини тан олган ҳолда уни “халқ поэзиясининг примитив асари” деб баҳолайди. Бу билан у халқ поэзияси билан юксак услубга эга бўлган классик адабиётни бир-бирига аралаштириб

<sup>21</sup> Vambery H. Jusuf und Ahmad. Budapest, 1911.

<sup>23</sup> Қаранг: М. Сулаймонов . O`zbek xalq og`zaki ijodi. Namangan, 2012.

юборади. Натижада, халқ поэзиясининг хусусиятларини назардан соқит қилади. Шунга қарамай, Вамберининг сўз бошисини ва унинг “Чиғатой тили дарслиги”да билдирган мулоҳазаларини дoston ҳақидаги дастлабки тўғри маълумотлар сифатида ижобий баҳоламоқ зарур.

Олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, “Юсуф билан Аҳмад” достони Ўрта Осиёда бахшилар томонидан куйлаб келинишидан ташқари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қўлёзма ва литографик нашрлари орқали ҳам жуда кенг тарқалган. 1889 йилдан эътиборан дoston Қозон, Тошкент, Самарқанд ва Когонда ўнлаб марта нашр этилди, турли фондларда унинг қўлёзма нусхалари йиғилди.

Кейинги даврларда халқ бахшиларидан дostonнинг бир неча вариантлари ёзиб олинди, қўлёзмалари тўпланди. Унинг қўлёзмалари, Хоразм бахшилари вариантлари текстуал жиҳатдан бир-бирига мос келсада, Ўзбекистоннинг бошқа ерларидан ёзиб олинган вариантлар бир-биридан анча фарқ қилади. Бу жиҳатдан халқ шоирлари Пўлкан ва Фозил Йўлдош ўғлидан 1927 йилда атокли фольклорист Ҳоди Зарифов ёзиб олган вариант характерлидир. Дostonнинг бош қисми Пўлкан шоирдан, давоми Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган. Бу вариант тасвирнинг ғоятда кенглиги, бадий юксаклиги, ҳажман “монументаллиги” билан ҳамма вариант ва нусхалардан устун туради. Ҳозирги пайтда бу вариантни филология фанлари кандидати Б.Саримсоқов нашрга тайёрлади<sup>24</sup>.

Дostonнинг туркман варианты асосида драматург Басир сахна асари яратган. Шоир Мағруфийга нисбат берилган туркманча нусхаси 1943 йилда Ашхабодда – Б.Корриев томонидан нашр этилган эди. Бу нашр асосида Г.Шенгили унинг рус тилига таржимасини амалга оширди.

Вамбери туркий халқлар орасида кенг тарқалган ўзбек бахшилари репертуаридан мустаҳкам ўрин олган “Юсуф билан Аҳмад” достонини нашр этар ва немис тилига таржима қилар экан, унга катта масъулият ҳисси билан қараган, дostonда куйланган қахрамонлик ва дўстлик ғояларини немис китобхонига етиб боришини таъминлаган. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, унинг таржимаси том маънодаги ҳозирги биз тушунадиган бадий таржима эмас, дostonнинг шеърий қисмлари таржимасида кофия, вазн, бандлар бирлиги сакланмаган. Аммо у ёки бу мисра ёки яхлит банд ифодалаган мазмун ва маъно тўла берилган. Ҳатто таржимон изоҳларида шеърий парчаларнинг бадийлигига доир муҳим қайдлар таъкидлаб ўтилган. Вамбери дostonда учраган кўчма маъно берувчи фразеологик бирикмалар мазмунини тезда фаҳмлайди ва немис китобхонига тушунарли ҳолда ифодалайди.

Вамбери таржимаси жуда табиий, содда, мисралар равон, таъсирчанлиги тўла сакланган, бир гап билан айтганда, асл нусха мазмуни таржимада ўз аксини топган. Хоҳ аслиятни кўринг, хо таржимани, икковида ҳам қахрамонларнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати, шаклу шамойили, хуллас, портрети кўз олдингизда бир хил кўринишда пайдо бўлади.

Дoston матни — сўз санъатининг намунаси, холос. Бахшини ўз кўзи билан кўриб туриб тинглаш, унинг ижросини кузатиш бошқа бир гапу, сўзигина қолган дostonни ўқиш бошқа. Бахшини эшитган одам олган бадий завқ билан китобхон олган бадий завқни тенглаштириб бўлмайди. дostonнинг бу икки хил ҳаётинн узвийлаштириш қийин. Китобхон кўп нарсаларни фикран, пайпаслаб, ўзи ўйлаб топиши, матн замиридаги ижрочини кўриши керак. Вамбери ҳам “Юсуф билан Аҳмад” достонини бахшидан эшитиб, ёзиб олган эмас. Лекин у бахшиларни тинглаганлигини, улар санъатига қойил қолганлигини турли асарларида баён қилади. Таржиманинг афзаллиги шундаки, уни кўлига олган немис китобхони беихтиёр халқ шоирининг достони билан танишаётганлигини хис этади, текст ортида юксак сўз санъати ва бадиҳа салоҳиятига эга

<sup>24</sup> А. Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Ҳ.Т.Зарифов номидаги ўзбек фольклори архиви, инв. № 39.

бўлган ижодкор борлигини сезади. Ана шу юксак сўз санъатини ўзида мужассамлаштирган асарни иккинчи муҳитга кўчириш, ундаги муҳим хусусиятларни китобхонга етказиш, унга асл нусхадай таъсир этиш таржимондан катта маҳорат, чуқур билим талаб қилади. Вамбери таржиманинг аллақачон чигалликларини ҳал қилган, асл нусханинг маъно ва мазмуни ҳамда шаклу шамоийлини беришда немис тили билан боглик бадий воситалар системасини аниқ топа билган. Бошқача айтганда, асл нусханинг ўзига хос хусусиятларини таржима тилида бера билиш масаласи билан махсус шуғулланган, немис тилининг бор имкониятларидан фойдаланган ҳолда асл нусхага кириб борган. Унинг таржимаси чинакамига дostonчининг асл матнидир. У дostonнинг улугворлигини, ғоявий бойлигини, маҳаллий ва миллий либосни, персонажларнинг руҳиятини бошқа бир маданий-тарихий муҳитда жонлантира билган. Таржимон дostonда акс эттирилган воқеалар, образлар, ташбихлар, ҳодисаларнинг мазмуни ва маъносини, халкнинг урф-одатларини қалбан ҳис этган, буларнинг ҳаммасини асл нусхадагидек, таъсирлироқ чиқариш йўлида ижодий изланган. Дoston таржимасида ижобий образлар илиқ меҳр билан акс эттирилган. Золим, босқинчи хонларга эса халкнинг нафрати кучли эканлигини Юсуфбек, Бобо Қамбар каби дoston ижобий қаҳрамонлари томонидан очиб берилади.

Вамбери дostonнинг таржимасида катта муваффақиятга эришган. Туркий халқларда «айланай» сўзи бирор нарса, предмет ёки шахс атрофидан айланмоқ маъносини эмас, балки ўша шахс ёки предметга қарата эркалатиш ёки ҳурмат ифодаловчи мурожаат формаси — «азизим», «жонгинам» деган маъноларни англатган. Буни тушунган Вамбери ҳам «айланай қошу кўзингдан» ифодасини “қошу кўзингдан роҳатланай” тарзида, яъни айланмоқ феълини *ergötzen* — лаззат олмоқ, хузур қилмоқ, роҳатланмоқ сўзи билан таржима қилади. Бу ҳам унинг моҳирлик билан муқобил сўз топиб, тўғри таржима қилганлигидир.

Шарқ адабиётида, айниқса, шеърятда куймоқ, ўртанмоқ сўзлари кўчма маънода жуда кўп қўлланилади. Шарқ китобхонлари учун бу тушунарли. Лекин ғарб китобхонлари учун юрагини ўтга доғларман, то ўлгунча сўроғларман мисраларини айнан ўгирганда, унинг тушунилиши ва етукчанлиги таъминланмаган бўлур эди. Шунинг учун ҳам мутаржим “нобуд қилмоқ, сарф қилмоқ, йўқ қилмоқ” феъли билан ўгириб, ошиқнинг ички изтиробини асар таржима қилинаётган халқ руҳига мос ифодалай олган. Бу билан асл нусхадаги миллий ўзига хосликка путур етказмаган. Халқларда тафаккур қилиш қонунларининг умумийлиги туфайли тилларнинг бир биридан жиддий фарқ қилишига қарамай, истаган халқ тилидан бошқа тилларга таржима қилиш имкони борлигини тушунган Вамбери дostonдаги ҳар бир детални аниқ ўгиришга ва бу билан кишиларнинг ўзаро алоқа воситаси ҳисобланувчи тил орқали, таржима туфайли икки халқни муомала қилдирган ва бир-бирларининг фикрларини англаб олишларига кўмаклашган.

Воситали таржима қилинган асарларга нисбатан асл нусхадан ўгирилган таржима асари мазмунли чиқади. Асл нусхадан ўгирган Вамбери дostonнинг таъсирчанлигини немис тилида тўлиқ бера билган. “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” китобини немис тилидан рус тилига ўгирган А.Павловский асар сўз бошисида Вамберининг асарлари ҳақида шундай ёзади: “Зеро, Вамбери Тацит ва Маколай талантига эга бўлмаса-да, унинг тарихий тадқиқоти, ҳар қандай вазиятда ҳам фан учун ва айниқса, биз руслар учун муҳим кашфиётдир<sup>25</sup>. Таржимон тинимсиз изланади, шунинг учун ҳам асарни бошқа тилда қайта яратиш учун асардаги фикрларни узоқ вақт пиштади, ўзига сингдириб олади, кейин матн характериға араб сўз танлайди, дostonдаги шартлилик ва бошқа барча нозик томонларини яхши илғаб олади.

Олимларимиз таъкидларига таянган ҳолда XIX асрнинг 70-йиллари ва асримизнинг бошларида яратилган таржималарни таҳлил қилар эканмиз, албатта, бундан бир аср олдинги савия мавқеидан туриб иш кўрмасдан, ҳозирги кундаги таржима талаблари нуктаи назаридан қараяпмиз. Лекин ўз давридаги таржималари билан тезда обрў қозонган

<sup>25</sup> .Vambery H. Geschichte Bocharas oder Transoksaniens von fruehesten Zeit bis.. Berlin. 2009.

Вамбери кўз олдимизда ҳозирги давр талаблари билан ҳисоб-китоб қила оладиган даражада ютуқларга эришган. Унинг таржималарида маданият, тил, услуб, терминология, миллий колорит каби таржимада ҳозир қўлланиладиган ва талаб қилинадиган жуда кўп шу хилдаги нарсалар ҳисобга олинган ҳолда аниқ ўғирилгандир.

“Ўзбек халқ дostonчилиги илдизлари жуда қадимий даврларга бориб такалади. Бироқ дostonчиликнинг қадимий кўринишлари, уни давом эттириб келган кўпдан кўп бахшилар ҳақида хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки маълумотлар деярли сақланиб қолмаган”<sup>26</sup>. Вамбери ҳам бу дostonни кимдан ёзиб олинганлигини билмаса-да, аммо Хоразм шеvasида гапирувчи киши томонидан ёзиб олинганлигини ва унда жуда кўп имло хатолар борлигини таъкидлайди. Шунга қарамай, Вамбери нашр этган текст XIX асрда Хоразм бахшилари куйлаб келган “Юсуф билан Аҳмад” дostonининг асосий хусусиятларини сақлаган, дея оламиз.

Дoston охирида мутаржим ўзи тушунмаган ва тушунилиши оғир бўлган айрим ибора, сўзларга изоҳлар беради. Жумладан, у географик номларга, этноним, антропонимларга ҳам изоҳ беради, ўзи билмаган сўзларни эса изоҳда очиқ қолдиради. Унинг изоҳларида эътиборга лойиқ моментлар бўлса-да, бироқ уларни ҳар томонлама тўғри ва мукамал, деб бўлмади. Масалан, у эпосдаги топонимларна ҳақиқий географик жойлар сифатида изоҳлашга ҳаракат қилади, уларни эпик номлар эканлигини унутади. Мана унинг Исфаҳон шаҳрига берган изоҳига диққат қилинг: “Исфаҳон — Эроннинг пойтахти бўлиб, унинг подшоҳи Бўзўғлондир. У хон эмас, балки шундай машҳур лашкарбошидир. Эҳтимол ўша пайтда бахшининг хаёлига турк хонлари Сафовиддин томонига ўтиб, айрим жойларга ҳукмронлик қилганликлари келгандир. Ёки бўлмасам турк офицерлари маълум қисмларга бўлиниб саройнинг жанубий ва шимолий томонларига тарқалиб кетишган. Шундан кейин эронийларнинг кўплари кўчманчи чорвадорларга кўшилиб ҳақиқий чорвадор бўлишган ва у ер уларнинг ҳақиқий манзилига айланган”. Бу изоҳда ноаниқликлар билан бирга хатто мулоҳазалар мавжудлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Ёки унинг “Чилтан ҳақидаги изоҳини олайлик. “Чилтан” - Мусониинг айтишига қараганда, қирк киши ўлдириладилар ва қайта тириладилар”. Бу изоҳ чилтанлар ҳақидаги халқ тасаввурини тула бера олмаслиги ўз-ўзидан аён. Маълумки, Ўрта Осиё халқарининг жуда қадимий мифологик тасаввурлари диний қибикқа ўралган ҳолда бизнинг кунларга қадар етиб келган. Шулардан бири чилтанлар билан боглик қарашлардир. Чилтанлар табиатдан ташқарида бўлган қирқ ажралмас рух бўлиб, кишиларни қўллаб-қувватловчи, ёвуз кучлардан ҳимоя қилувчи мифик ҳомийлар саналади. Чилтанлар исми жисмига мос бўлиб, қирқ кишидир, уларнинг устидан олий “еттилик” ҳукмронлик қилади — “ҳафтон”, етти буюклар ичида учта зўрроғи “сетан”лар учлигини ташкил этади. “Сетан”лардан биттаси эса (яктан) бутун чилтанлар бўйсунадиган энг буюк рух ҳисобланади.

Халқимизнинг эътиқодича, чилтанлар сони абадий ўзгармас, улар тоғлардаги ғорларда, қабристон, якка мазор пасткамликларида зоҳир бўлишаркан. Ўзбек тилида чилтанлар “қирқ чилтан”, “қирқ бир чилтан”, “ғойиб эрон” (ғойиб эрлар) тарзида номланади. Ҳозирги кунда чилтанлар маълум рухлар категорияси сифатида тез-тез тилга олинади. Чилтанлар ўзбек эпосида Гўрўғли туркумида, “Юсуф билан Аҳмад” дostonида ботирларнинг доимий мадақори, пири сифатида куйланади.

Вамбери “Юсуф билан Аҳмад” дostonи таржимаси охирида саксон битта сўз бирикмасига изоҳ берган. Шу сўзларнинг 26 таси кўлёмзада нотўғри ёзилганлиги, хато ўқилганлиги ё маъносини билмаганлиги туфайли изоҳсиз қолган. Шунингдек, Вамбери иш кўрган кўлёмзада муайян етишмовчиликлар ҳам бўлган. Жумладан, бир воқеа тугамасдан иккинчи бир воқеанинг бошланиши ёки учинчи воқеа шундайлигича қолиб кетиши ҳоллари кўзга ташланади. Агар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти архивида сақланаётган ва нашрга

<sup>26</sup> Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. Тошкент, 1979 16 бет.

тайёрланаётган дostonнинг вариантлари билан солиштирсак, у пайтда Вамбери варианты жуда кичик ҳажмга эгаллиги, воқеалар тасвирида ҳам узилиб қолиш ҳоллари мавжудлиги кўзга ташланади. Вамбери вариантыни 1941 йилда Ашхабодда чоп қилинган “Юсуф билан Аҳмад” дostonи варианты билан қиёслаганда ҳам шу ҳолат намоён бўлади.

Эпосда тарихий воқелик халқ фантазияси асосида умумлашган образларда ўз ифодасини топади. Унда умумлаштиришнинг ўзига хос формаси — эпик умумлаштириш ҳукмронлик қилади. Бундай умумлаштириш халқнинг ижтимоий адолат ҳақидаги идеаллари ва орзу умидлари билан йўғрилгандир. Халқ фантазияси асосидаги умумлашган образларда халқ ҳаётини куйлаган “Юсуф билан Аҳмад” дostonи ҳам ўз даврининг турмуш тарзи ифодаси сафатида феодализм даврида турли уруг ва элатлар ўртасида юз берган низоларани қораловчи, халқнинг адолат ҳақидаги орзуларини куйловчи асардир.

XIX асрнинг 60-йилларида ғайримиллат киши — Вамберининг бевосита ўзбек тилидан оғзаки ижод намунасини ёзиб олиб, уни тарихий шароити, миллий колорити, этнографияси ўзгача бўлган бошқа бир халқ тилига ўгириши давр учун катта ишдир.

### **3-боб. Ҳерманн Вамбери - ўзбек халқ мақолларининг моҳир таржимони**

Ҳерманн Вамбери ўзининг “Чиғатой тили дарслиги”даги китобларидан кейин ҳам туршунослик соҳасидаги тадқиқотларини давом эттирди. У бу борада Туркистондан олиб келган асарлари таржимасига астойдил киришди. Айниқса унинг эътиборини ўзбек халқ эртаклари ва мақоллари кўпроқ тортди. Асарларини чоп эттириш учун ҳомийлар тортгач, у асарларни китоб шаклида нашр эттирди. Аммо унинг шарқшуносликка оид газета ва журналларда эълон қилган асарлари ҳам жаҳон туркшунослигида алоҳида ўрин тутади. Мақоллар таржимаси жаарёнида муаллиф мақолларнинг турли вариантларини ҳам келтирганки, бу вариантлар ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам аҳамиятлидир. Мақоллар таржимасида ҳам уларнинг кўп вариантлилиги сақланган. Жумладан ўзбек халқ мақолларининг Хоразм шеvasидаги ва Фарғона шеvasидаги вариантлари ўртасида имловий ва маъновий фарқлар таржимада ҳам акс эттирилган. Лекин айрим ҳолатларда,

хар қандай таржима жараёнида содир бўладиган ҳолат - мақоллар поэтикаси ва ички кофиядошлик йўқолган. Бу эса сўз ўйинларининг йўқолишига, бунинг оқибатида оҳангдорлик ва шарқона жозиба бой берилган.

Куйидаги унинг шундай журналларда эълон қилган мақолларининг таржимаси ва таҳлилини келтирамиз.  
Sprichwörter aus dem Turkestan.

Wer seinen Vater beleidigt hat, wird seine Wünsche nicht verwirklichen.  
Wer seinen Vater beleidigt hat, wird vom Volke verachtet sein; wer seine Mutter beleidigt hat, wird an einem Stück Brot Mangel haben.  
Das Weib ist eine Strafe Gottes; ihre Liebkosungen – Gift einer Schlange.  
Die Schlauheit eines Weibes bildet die Last für vierzig Esel.  
Der Hund hat kein Falsch, das Weib – keine Treue.  
Der Frosch ist ohne Schwanz, das Weib – ohne Verstand.  
Ein Weib nimm nicht zur Zeit eines Festes; ein Pferd kaufe nicht während eines Regens.  
Zwei Messer haben nicht Platz in derselben Scheide, zweier Liebe nicht in einem Herzen.  
Zwei Wassermelonen haben nicht unter einer Achselhöhle Platz (d.h. man kann nicht zwei Frauen lieben).  
Wer ein Weib hat, wird sich streiten (mit ihr); wer zwei hat – Hungers sterben.  
Die Schuld schwindet, sobald sie getilgt ist, das Weib aber bleibt bei dir.  
Die aus der Wolke hervorschauende Sonne ist grell; die Zunge einer bösen Frau – giftig.  
Eine gute Frau – des Hauses Glück; ein guter Chalak (Rock) – des Festes Zier.  
Wenn du ein Weib nimmst, nimm es gesehen; wenn du ein Pferd kaufst, nimm es geritten.  
Kauf ein Pferd nicht auf den Rat eines Fussgängers, nimm ein Weib nicht nach Anweisung eines Ledigen.  
Mann und Weib sind ein Paar durch das Joch verbundener Ochsen.  
Aus einem schlechten Hause (auch: schlechten Schornsteine) kommt schlechter Rauch hervor.  
Wenn du Teilnahme mit dem Nächsten haben wirst, wirst du Erfolg haben; wenn du ihn aber beneiden wirst, wirst du dich ruinieren.  
Ein guter Mensch ist Gott nahe; ein schlechter dem – Teufel.  
Ein schlechter Mensch ermüdet seinen Gefährten.  
Gib einem schlechten Menschen kein Geld, wenn er davonläuft, was wirst du machen?  
Der Mond that es, dass ich zum Diebe wurde (d.h. gäbe es keinen Mondschein, wäre ich nicht stehlen gegangen – spricht der Dieb).  
Beim bekannten Wollüstling suche keine Scham; beim Tyrannen – kein Mitgefühl.  
Die Stelle eines guten Menschen ist im Paradies, die Stelle eines geizigen in der Hölle.  
Ein reicher Mann hat Ernte am Getreide; ein armer – an Kindern.  
Hunger jagt auf die Strasse hinaus; Nacktheit jagt ins Haus hinein.  
Wer einen Brotfladen unter dem Arme hat, bei dem ist der Magen satt.  
Ein satter Magen hat keine Sorge um einen hungrigen.  
Gut ist es, Feldarbeiten frühe im Jahre zu beginnen.  
Eine späte Saat ist zweifelhaft.  
Ohne Arbeit findest du kein Glück; ohne Aussaat – keine Ernte.  
Arbeitest du, wirst du essen; leckst du, wirst du satt.  
Das Volk ist reich, das Land hat.  
Der Handwerker ist Gottes Freund.  
Wenn's keine Fladen aus Sauerteig giebt, backe süsse.  
Wenn der Bäcker stirbt, fallen unter seinen Armen Brotfladen heraus.  
Der Töpfer trinkt Wasser aus einer Scherbe.  
Der Weber hat keinen Gürtel.  
Der Gerber sammelt Geld, der Weber verthut es.<sup>74</sup>  
Wer den Bazar kennt, bleibt nicht hungrig; wer den Weg kennt, bleibt nicht zurück.  
Bevor du Geld erwirbst, lerne rechnen.

Wenn er (der Preis auf dem Bazar) steigt, steigere auch du; wenn er nicht steigt – lasse nach.  
 Teures pflegt nicht ohne Vorzüge, Wohlfeiles nicht ohne Mängel zu sein.  
 Wenn der Arme Eier kauft, findet er in ihnen kein Gelb.  
 Wenn die Zeit der Heilung naht, kommt der Arzt zu Fuss herbei.  
 Nicht der ist Arzt, der heilt, sondern der ist Arzt, der selber krank war.  
 Selber bewege deinen Mahlstein: selber führe deinen Handel.  
 Willst du eine Melone essen, iss am Morgen; wenn du am Morgen nicht issest, issest du Gift.  
 Geschmack des Wassers kommt vom Eise; Geschmack der Speise vom Salz.  
 Was ich gegessen habe, ist mein; was ich bloss kaue, das ist dem Zweifel unterworfen.  
 Möge Unrat in einem Kessel gekocht werden, den ich selber nicht berühre.  
 Einen toten Mann muss man begraben; einen schlechten – schlagen.  
 Ein Sklave denkt bloss an sich selber.  
 Sage nicht ab, dahin zu gehen, wohin man dich rief; gehe dahin nicht, wohin man dich nicht rief.  
 Vom Esel wird ein Esel, vom Pferde ein Pferd geboren.  
 Der Hund ist Gefährte des Hundes.  
 Den Hund jagt man aus dem Dorfe wenn er heult (d.h. schlechte Leute verjagt man aus der Gemeinde).  
 Das von der Herde zurückgebliebene Schaf frisst der Wolf.  
 Die Worte des Lügners sind unnütz.  
 Der Hund bellt und die Karawane geht vorüber (ohne darauf zu achten).  
 Wenn ein schlechter Mensch sagt, dass er starb – so glaub ihm; wenn er aber sagt, dass er seine Tücke liess – glaub ihm nicht.  
 Die Steppe pflegt nicht ohne Wolf zu sein; ein Wohnort nicht ohne Dieb.  
 Wer die Rechnung versteht, wird nicht vom Beutel lassen.  
 Von einem dummen Feinde kann man Nutzen ziehen, von einem dummen Freunde Schaden nehmen.  
 Einem treu – Tausenden treu (d.h. wer einmal sein Wort hielt, wird es tausendmal halten).  
 Mögen Vater und Mutter sterben, wenn nur nicht die Freunde sterben.  
 Eine schöne Kleidung ist eine Zier des Körpers, ein guter Freund – Labsal für die Seele.  
 Bekanntschaftmachen ist leicht, sie zerreißen – schwer.  
 Gefährte eines Blinden sei, Gefährte eines Herzlosen sei nicht.  
 Ohne Schlechtes giebt es kein Gutes, ohne Gutes kein Schlechtes.  
 Wer duldet, wird Butter essen; für wen man bittet, wird lange leben.  
 Der Betrunkene ist wahrhaft (in vino veritas).  
 Was vom Blinden versteckt wurde, findet auch der Sehende nicht.  
 Thue, was der Gelehrte spricht; doch thue nicht, was er thut.  
 Drei Dinge haben keinen Preis; ein Pferd, Säbel und Messer.  
 Wo man selber nicht ist, giebt es auch keine Augen.  
 Wenn der Anfang gut ist, ist auch das Ende gut.  
 Allmählich wird man zum Weisen; Tropfen auf Tropfen sich sammelnd wird ein Fluss.  
 Wer viel zu essen sich vornahm, isst wenig auf.  
 Schließe die Thüre desjenigen Hauses nicht fest, wohin du noch zu gehen beabsichtigst.  
 Wer, den Weg kennend, geht, dem werden die Füsse nicht straucheln.  
 Mich vom Schnee rettend, kam ich in den Regen.  
 Wenn man befiehlt, zögere nicht, auszuführen.  
 Hilf einem unwürdigen Menschen nicht.  
 Arbeite, so ziehst du im Winter einen Zobelpelz an, wenn du nicht arbeitest, wirst du den ganzen Winter zittern.  
 Schau nicht in ein fremdes Haus hinein, klopf nicht vor der Zeit an die Thür.  
 Was der Blinde fängt, lässt er nicht; was der Taube hört, lässt er nicht.  
 Wer sich selbst schont, wird auch andere schonen.  
 Jedermanns Gefährte ist sein Vorsatz.

Ein guter Vorsatz ist ein halbes Vermögen.  
 Scham ist stärker, denn der Tod.  
 Beschämt werden ist für den Helden (soviel wie) sterben.  
 Wenn du in Ordnung legst, wird selbst Schnee brennen; wenn du nicht in Ordnung legst, wird selbst trockenes Holz nicht brennen.  
 Eine Eiche beugen, heisst sie brechen.  
 Ein von der Herde getrenntes Tier frisst der Wolf.  
 Sobald das feindliche Heer sich entfernt, nimmt die Zahl der Helden zu.  
 Wenn du deine Trauer vergrösserst, wird die Schwierigkeit deiner Lage nicht wachsen.  
 Mögen die Kleider alt sein, wenn sie nur nicht schmutzig sind.  
 Fremde Pein stellt sich morgens ein, schwindet abends.  
 Die Schärfe des Rauches höhlt die Esse.  
 Das eigene Geschäft ist leichter als Watte, das fremde schwerer als Stein.  
 Der Stein, dessen man bedarf, ist nicht schwer.  
 Wenn du ruhig bist, so ist auch dein Nachbar ruhig.  
 Wenig zu sprechen nötigt die Anforderung der Klugheit; wenig zu essen – die Regeln der Gesellschaft.  
 Aus übelriechendem Munde kommen faule Worte hervor.  
 Ein ausgesprochenes Wort kann man nicht verschlucken.  
 Unnütze Worte rede nicht; vom Aussprechen nützlicher Worte sage dich nicht los.  
 Halte deine Zunge an, um nicht die Zähne zu zerbrechen und die Leute über dich lachen zu machen.  
 Ein aus dreissig Zähnen hervorgekommenes Wort wird zu dreissig Geschlechtern hinausgehen.  
 Viele Worte – Last für einen Esel.  
 Eine Krankheit kommt leicht hervor, schwindet schwer.  
 Wenn du Gesundheit willst, iss wenig; wenn du Achtung willst, sprich wenig.  
 Wer viel spricht, fehlt viel; wer viel isst, kränkelt viel.  
 Bewegung von Ort zu Ort – ist Heilung.  
 Wenn der Februar gut ist – hats nichts zu sagen; wenn schlecht (stürmisch), so kommt Viehsterben.  
 Krankheit habe ich, aber keinen mitfühlenden Menschen; Trauer habe ich, aber keinen teilnehmenden Menschen.  
 Wer keinen Körper hat, kennt auch keine Krankheit; wer kein Haus hat, weis auch nichts von Trauer.  
 Der Vogel macht das, was er in seinem Neste hat.  
 Man kann nicht Jäger werden, wenn man viel schiesst; man kann nicht Schönredner werden, wenn man viel spricht.  
 Freunde sind tausend wenig; Feinde einer – viel.  
 Auch geschenkter Essig ist süsser denn Honig.  
 Auch ein kleiner Stein zerschlägt den Kopf.  
 Stirb, mein Pferdchen, nicht: es kommt der Frühling, es reift der Klee.  
 Das Fleisch ist euer, die Knochen – unser (Redeweise der Eltern, die dem Lehrer das Recht geben, den Sohn körperlich zu bestrafen).  
 Das Wissen schmilzt im Sommer, friert im Winter. (Dieses Sprichwort bedeutet, dass das Erwerben von Kenntnissen in der Schule im Winter statthat, während es im Sommer, wegen der Feldarbeiten, eingestellt wird.)  
 Wenn die Aufgabe schwer ist, befällt den Schüler Schlaf.  
 Lernen ist (ebenso schwer als) mit einer Nadel einen Brunnen graben.  
 Ein Poet bedarf dreier Gegenstände: Des Wortes, der Stimme und des Musikinstrumentes.  
 Wer Kleines nicht weiss, wird auch Vieles nicht erfahren.  
 Einen Knecht, der nicht gefehlt, wird der Herr nicht strafen, einen Menschen, der nicht gesündigt, Gott kein Leid senden.

Wer die Krankheit sandte, giebt auch das Mittel (zur Herstellung d.h. Gott).  
 Der Schlüssel des menschlichen Seins ist im Himmel.  
 Wer sich selbst nicht kennt, erkennt auch Gott nicht.  
 Wer Gott liebt, den wird auch das Volk lieben.  
 Wer Gott fürchtet, wird die Leute nicht fürchten.  
 Das Kamel stellt sich auf die Knie bei guter Behandlung.  
 Wenn jedermann seine Mängel konnte, würde er sich selber töten.  
 Wer einen Freund ohne Mängel sucht, bleibt ohne Freund.  
 Der schnell Laufende ermüdet schnell.  
 Nach der Decke strecke die Füße.  
 Wer die Zunge bewahrt, bewahrt den Kopf.  
 Vom Narren gerade Nachricht (d.h. der Narr verspricht sich).  
 Weiberrat taugt für Weiber.  
 Von den Worten: Honig! Honig! wird der Mund nicht süß.  
 Wenn jeder in den Sinn kommende Gedanke zur Ausführung gelangte, so würde jeder Arme König werden.  
 Rechtschaffenes Gut geht nicht zu Grunde, unrechtes kommt schnell um.  
 Niemand anerkennt seine Mängel.  
 Die Zunge ist schwächer als der Säbel.  
 Die Wunde von einem Säbel heilt, die von einer Zunge nicht.  
 Sitze schief und sprich gerade. Beuge dich nach der Zeit.  
 Der Fleischer verkauft dem Freunde Knochen (statt des Fleisches).  
 Schau auch das Ende des Wortes. (Zur Erklärung dieses Sprichwortes erzählen die Sarten, man habe einst Maschrab gefragt, wie sein Name sei; worauf er geantwortet: Chuda ... (Gott). Der Frager nahm dieses für Gotteslästerung und klagte ihn an. Zur Verantwortung gezogen, sagte Maschrab: "Mein Name ist "Chuda birdy" das heist: "Gott gab", doch vermochte ich nur die erste Hälfte meines Namens auszusprechen, als der Frager sich beeilte, mich der Gotteslästerung anzuklagen". Da nun habe der Richter den Ausspruch gethan, man müsse auch das Ende des Wortes schauen.)

Кўринадики, мақолларнинг аксари ўз маъносини сақлаб қолган. Айрим мақолларнинг эса икки ва ундан ортик вариантлари мавжудлиги уларнинг қайси бирини маъқул кўрувчиларга мўлжаллангани аён бўлади.

Шу ўринда мақолларнинг охирида Бобораҳим Машраб ҳаётига оид бир маълумотнинг ҳам мақоллар таркибида немис халқига тортик этилгани диққатга сазовордир. Бу парча Раҳимбобо Машрабнинг Балх шаҳрига кириб келганида унинг шаҳар муллалари томонидан тошбўрон қилиб кутиб олиниши тасвирланган.

Вамберининг бу асарлари кейинчалик яна турли тўпламларга киритилди. 1898 йилда Германиянинг Ваймар шаҳрида немис тилида "Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur"<sup>27</sup> - Осиё халқлари адабиёти антологияси номли шеърлар тўплами чоп этилди. Адабиётшунос олим А. Зайдел\* бу тўпламга жаҳон халқлари, асосан, Шарқ шоирларининг муҳаббат, гўзаллик ва вафо мавзусидаги шеърларини киритган. Антологияга жумладан, Насимий, Навоий, Фузулий, Шайдоий, Ҳолид Бурк, Машраб ва Саид Ваққос каби шоирларнинг ғазаллари немисча бадий таржималарда берилган. Китобдан "Özbekische Sprichwörter" (Ўзбек мақоллари) бўлими ҳам ўрин олган бўлиб, унда жами 100 та мақол таржимаси ҳам бор. Айрим мақолларга матн ичида мухтасар шарҳланган.

<sup>27</sup> Seidel A.(Hrg): Anthologie aus der asiatischen Volksliteratur.-Weimar:Verlag von Emil Felber, 1898.- S.112-119.

\* Бу ношир ва адабиётшуноснинг исми китобда тўлиқ берилмаган.

Тўпламга “Қиссаи Машраб” маноқибдаги дарвеш шоир ҳаётига оид кичик бир лавҳа ҳам киритилган. Шуниси қизикки, бу парча “Ўзбек мақоллари” таркибида берилган. Машрабнинг Балх шаҳрига кириб келганларида бўлиб ўтган бу воқеа мақоллар таржималарининг якуни сифатида “Кишининг сўзини охиригача тинглаб, кейин хулоса чиқариш лозим”, (ёки “Бердисини айтгунча сабр қил”) деган ҳикматнинг тасдиғи сифатида келтирилган:

Schau auch das Ende des Wortes. (Zur Erklärung dieses Sprichwortes erzählen die Sarten, man habe einst Maschrab, wie sein Name sei; worauf er geantwortet: Chuda... (Gott). Der Frager nahm dieses für Gotteslästung und klagte ihn an. Zur Verantwortung gezogen, sagte Maschab: “Mein Name ist “Chuda berdy” d.h. “Gott gab”, doch vermochte ich nur die erste Hälfte meines Namens auszusprechen, als der Frager sich beeilte, mich der Gotteslästung anzuklagen”. Da nun habe der Richter den Anspruch gethan, man müsse auch das Ende des Wortes schauen.)

Маъноси: Сўзни охирача эшитмак даркор. (Бу мақолнинг шарҳи учун сартлар айтадиларки: Бир куни Машрабдан унинг номини сўраганларида у “Худой” деди. Саволчи буни “худолик даъвоси” деб тушунди ва тегишли жойга маълумот берди. Жавобгарликка тортилган Машраб шундай деди: Исминим Худойберди. Саволчи исмининг иккинчи ярмини айтмасимдан мени “худолик даъво қилди”, деб арз қиляпти.” Шундан сўнг қози ҳукм чиқардики, бир хулосага келишдан аввал сўзни охиригача эшитиш керак!)

Ушбу ҳикоят “Бобораҳим Машраб девони”да қуйидагича акс этган:

... Муллолардан бири шоҳ Машрабга қараб айди: Эй, девонажон, сени отинг нимадур? Машраб айдилар: Худой! Муллолар бу сўзни эшитиб, айдилар: Тутунглар, бу қаландар кофир бўлди. Даъвои худолик қилди. Муни ўлдурмак керак.

Шоҳ Машраб шартга ўзларини эшакдан ташлаб, қочдилар. Шоҳ Машраб шу қочғонларича тўғри Маҳмудхонни ўрдасига қочиб бордилар. Кўрдиларки, Маҳмудхон етти - саккиз юз кишига ош бердириб турубдур. Шоҳ Машраб ўшал жамбиятни аросидин ўтиб Маҳмудхонни тахти орқасига кириб ётдилар. Маҳмудхон буни кўриб ҳайрон қолди. Маҳмудхон Шоҳ Машрабдин сўз сўроғунча бўлмай, ўттиз - қирқ муллолар шоҳ Машрабни арқоларидан келиб қолдилар. Маҳмудхон муллолардин сўрдики, “Бу нима воқеа?”– деб. Муллолар айдиларки: “Бу қаландар эшакка тескари миниб келур эркан. Бизлар бориб отини сўрасак, отим Худой деди. Муни ўлдирмак керак”. Маҳмудхон айди: “Эй, қаландар, булар нима дейдилар?” “Эй, Маҳмудхон, атом бирлан аном отимни Худойберган қўйган эканлар. Булар отимни сўрадилар. Мен “Худой” деб хануз “берган”ини айтмай туриб, булар ит бўлуб мани қувладилар. Мен мушук бўлуб мунда қочиб келдим.”

Кўринадики, немис халқига ушбу қиссанинг мазмунини етказган таржимон Машрабни афсонавий шахсга айлантирган. Машраб ҳақида Шарқ халқлари оғзаки ижодида кезиб юрган турли латифалар, ярим реал ва ярим ривоят шаклидаги ҳикоятлар Ғарб адабиётига шу тарзда кўчган. Таржимон бу латифа-ҳикоятни аслиятдан ўзгартириб ўгиргани, аниқроғи соддалаштиргани ҳолда, қайси манбадан олганини ҳам кўрсатмаган. “Ботартиб” олмонлар Машраб ҳаётига оид ҳикоятларни ўз халқларига етказишларидан асосий мақсад қилиб Шарқ фалсафасини бадиий кўринишда намойиш қилиш орқали уларнинг ўз миллатдошларига келтирувчи маънавий – маърифий таъсирини кўзлаганлар.

### Хулоса.

1. Ўзбек тили ва адабиёти намуналари Европа тилларига 15-16 аср таржима қилина бошланган. Ўзбек тилидан Европа тилларига, хусусан италян тилига ўгирилган биринчи асар Алишер Навоийнинг “Сабаи сайёр” дostonидаги “Баҳром ва Дилором ” қиссасидир. 1557 йилда аслият тилидан италян тилига ўгирилган бу асар кейинчалик италян тилидан бир қатор тилларга қайта - қайта таржима қилинди. Жумладан 1586 йилда немис тилига, кейинчалик француз ва голланд тилларига ўгирилган бу асар ёзилган тил – ўзбек тили экани маълум бўлди.
2. Европа халқлари энди бошқа Шарқ тиллари қатори ўзбек тилини ҳам ўрганиш иштиёқида бўлдилар. Шунинг учун Фарбда ўзбек тили ва адабиёти дарсликлари яратилди. Аввалига чиғатой тили деб аталган ўзбек тили кейинчалик ўзбек тили деб аталди. Аммо бу давр узоқ давом этди. Чиғатой – ўзбек тилини дарслик воситасида ўргатиш 1867 йилда Херманн Вамберининг “Чиғатой тили дарслиги”дан бошланди.
3. “Чиғатой тили дарслиги” кириш сўзи билан бошланган бўлиб, бунда дарсликдан кўзланган мақсад, Ўзбекистон халқлари ва ўзбеклар, миллий ва диний анъаналар, ўзбек адабиёти, тарихи ва санъати ҳақида мухтасар сўз юритилган.
4. Вамберининг “Чиғатой тили дарслиги” бу борадаги дастлабки уриниш бўлгани боис, кўплаб ижобий томонлари билан бирга бир қатор камчиликлари ҳам мавжуд эди. Жумладан, ўзбек тилини чиғатой тили деб аташи кейинчалик Европада жуда урф бўлди ва бу жараён 80 йил давом этди. Фақатгина 1945 йилда машҳур немис шарқшунос олими Анна-Мария фон Габайн томонидан яратилган «Ўзбек тили грамматикаси» дарслигидан кейин бу камчиликка барҳам берилди.
5. Дарсликнинг Хрестоматия қисмида Вамбери ўзбек адабиётининг машҳур намоёндалари ҳақида мухтасар маълумот бериб, уларнинг асарларидан намуналар ҳавола қилган ва бу асарларнинг немисча таржималарини ҳам киритган.
6. Хрестоматия қисмида Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур ижодига катта эҳтиром билан мурожаат қилган. Бу бўлимда Навоийнинг ғазалларидан намуналар

- берилгани, айрим дostonларидан парчалар эълон қилингани, Захириддин Бобур ғазалларидан намуналар, Машраб, Сўфи Оллоҳёр, Шайдоий каби шоирлар ғазалларидан парчалар киритилгани дарсликнинг обрў-эътиборини оширган.
7. Вамберининг “Чигатой тили дарслигида”ги Машраб ижодига оид “Куйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдур хануз, Жон димакка етди, ул дилдор келмайдур хануз” байти билан бошланувчи ғазал Ўзбекистон нашр қилинган адабиётларда учрамайди.
  8. Вамбери йўл қўйган камчиликлардан бири “Қиссаи Сайфул мулук ” асарини Алишер Навоий ижодидан деб кўрсатгани бўлди.
  9. Ҳерманн Вамбери Ўзбекистон тарихига оид дарслик ҳам яратган. Бу дарслик “Бухоро ёхуд Моварауннахр тарихи” деб номланган бўлиб, Ўзбекистон тарихининг дастлабки асрларидан 19 асрнинг сўнгги йилларигача бўлган муддатни ўз ичига олган.
  10. Вамберининг асарлари узоқ йиллардан буён Ўзбекистон олимлари томонидан ўрганилаётган бўлса-да ҳали таржимашунослик соҳасида таҳлил қилинмаган асарлари кўп. Айниқса унинг “Марказий Осиёнинг икки замонавий шоири Амирий ва Мунис” деб номланган мақоласи бу борада ўз навбатини кутиб турибди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. “2012- йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг “2011 йил якунлари ва 2012 йилда бажариладиган устивор вазифалари” мавзуидаги йиғилишида сўзланган маърузаси. // “Халқ сўзи”, 20.01. 2012 .
2. Каримов И. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги йиғилишида сўзланган маъруза. // “Халқ сўзи”, 01.02.2010 й.
3. Каримов И. Улуғбек руҳи барҳаёт. 1994 йил 15 октябр.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994.- Б.4
4. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. - Тошкент: “Ўзбекистон”. 1999.- Б. 32
5. Алишер Навоий. Ҳикматли сўзлар.// Масъул муҳаррир Ҳ. Сулаймонов .- Тошкент: 1968. - 152 б.
6. Алишер Навоий. Муножот. Нашрга тайёрловчи Ғаниева С. - Тошкент: Шарқ, 1991. - 176 б.
7. Абдуллаев В. А. Машраб. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. - Тошкент: Ўқитувчи, 1980. - 348 б.
8. Абдуллаев В.(масъул муҳаррир).Ўзбек адабиёти тарихи. III том. Тошкент: Фан, 1978. - 378 б.
- 9.А ф з а л о в М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. Тошкент, 1964.
10. И м о м о в К. Ўзбек халқ оғзаки прозаси. Тошкент. 1981.
- 11.Саломов Ғ. Таржима ташвишлари.-Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. - Б. 94.
12. Саломов Ғ. Комилов Н. Дўстлик кўприклари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. - Б.107.

13. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари.–Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. - 190 б.
14. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча - ўзбекча изоҳли луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 191 – 192.
15. Содиков З.Я. Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг” асари олмонча ва инглизча таржималарининг қиёсий таҳлили. Филол.фанл.докт.дис. ... - Тошкент, 2010.
16. Сулейманова Ф. Из истории взаимоотношений литератур Востока и Запада/ Древний период/: Автореферат дис... докт .фил.наук .в форме научного доклада. – Ташкент, 1991.
17. Турсунов З. Ўзбек халқ эртақларининг олмонча қиёсий таржималари. Тил ва таржима муаммолари, № 6.Наманган, 2011.
18. Комилов Н. Бу қадимий санъат. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
19. Нурмуродов Ў. Ўзбек фольклори немис тилида. Тошкент: Фан, 1987.
20. Нурмуродов Ў. Вамбери олимми, жосус. \ «Фан ва турмуш», 1988.
21. Холбеков М. Узбекско-французские литературные связи./ в аспекте перевода, критики и восприятия/: Дисс. ... канд. фил. наук.-Самарканд, 1991.
22. Madayev Omonulla. O`zbek xalq og`zaki ijodi .- Toshkent: Mumtoz so`z, 2010, -228 b.
23. Madayev O., Sobitova T. Xalq og`zaki poetik ijodi. Akademik litseylar uchun darslik – Toshkent: Sharq, 2010.
24. Mashanpova Z. . O`zbek xalq og`zaki ijodi .- Toshkent, 2008,B.4-11.
25. Jo`rayev Mamatqul.Folklorshunoslik asoslari. O`quv qo`llanma. Toshkent: Fan, 2009, 189 b.
26. Жўраев Маматқул. Фольклоршунослик асослари. Тошкент,2009., Ўзбек эртақларида сеҳрли рақамлар. Тошкент, 1991.
26. Safarov Oxunjon. O`zbek xalq og`zaki ijodi.-Toshkent: Musiq, 2010.-338 b.
27. Sulaymonov Mo`minjon. O`zbek xalq og`zaki ijodi. Akademik litseylar uchun qo`llanma. Namangan,2012. 108 bet.
28. Abel J.B., Pavet de Courteille M.M. Turkish literature. – London: 1902.
29. Abdalbaki Golpinarli. Mevlana`dan sonra mevlevilik. 2. baski. dstanbul: dnkilap ve Aka. - 1983.
30. Allworth Edward. The modern Uzbeks - from fourteenth century to the present: a cultural history studies of nationalities.Volume 373, of Hoover Press publication, Hoover Instituion Press, Stanford university, California: 1990, p.137 and others.
31. Bartold W. Herat unter Husein Baiqara dem Timuriden. Deutsche Bearbeitung von Walter Hinz. Leipzig: 1938.
- 32.Brockelmann Karl. Osttuerkische Grammatik der islamischen Literatursprachen Mittelasiens. – Leiden, 1954.
33. Birnbaum Eleazar. The Ottomans and Chagatay Literature . An Early 16<sup>th</sup> centure manuscript of Nava`is Divan in Ottoman orthography, / Central Asiatic Journal, Nr. 20, 1976. SS. 157–190.
34. Das grosse Deustch - Russische Wörterbuch. In zwei Bänden. Band 2. Autoren E.I. Leping u. a. Moskau: Verlag “Sovetskaja Entsiklopediya”, 1999. 780 S.
35. Detreul de Rins. Mission scientifique dans la Hautie Asie 1890-1895. Troisieme Partie: Historie–Linguistique – Archeologie - Geographie par F.Grenard.- Paris, 1898. - S. 233.
36. Vambrey H. Chaghataische Sprachstudien. Leipzig, 1867.
37. Vambrey H. Geschichte Bocharas oder Transoksaniens vom fruehesten Zeiten bis unsere Tage. (янги нашри)Berlin, 2009.

Интернет сайтлари:

- 1.google.co.uz
2. google.books.de
3. . [www.journals.uchicago.edu](http://www.journals.uchicago.edu).

6. [www.jstor.org.stable.1568940](http://www.jstor.org.stable.1568940).
7. [www.archive.org/stream](http://www.archive.org/stream).
8. [www.lit-verlag.de](http://www.lit-verlag.de) /isbn/3-8258-1120-4
9. [www.utoledo.edu](http://www.utoledo.edu).

#### АННОТАЦИЯ

Мазкур Битирув малакавий ишида буюк венгер шарқшуноси, профессор Ҳерманн Вамберининг ҳаёти ва ижодий фаолиятининг айрим қирралари, хусусан ўзбек тили ва адабиётига оид тадқиқотлари ёритилган. Вамбери 1865-67 йилларда Эрон ва Марказий Осиёнинг кўплаб мамлакатларида махфий равишда илмий сафарда бўлиб, маҳаллий аҳолининг тарихи, маданияти, тили, адабиёти ва маърифий-маърифий ҳаёти ҳақида маълумотлар тўплаган. Сафар давомида у ҳожи дарвеш қиёфасида Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, қадимий адабиётлар, осори атиқалар тўплади ва уларни юртига олиб кетди.

Битирув малакавий иши кириш, уч бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида муаллиф мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқот натижаларининг бакалавр даражасидаги илмий жихатдан янгилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи, иш тузилиши ва таркиби, бажарилган ишнинг асосий натижалари баён қилинган.

Ишнинг биринчи боби Ҳерманн Вамбери ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳамда „Чигатой тили дарслиги“га бағишланган бўлиб, икки фаслга бўлинган. Биринчи фаслда шарқшунос олимнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида мухтасар сўз юритилган. Иккинчи фаслда эса „Чигатой тили дарслиги“нинг тузилиши, мазмуни ва ундаги Навоий, Бобур, Машраб, Шайдоий каби ўзбек мумтоз шоир ва адибларининг асарлари аслият ва немисча таржималарда келтирилган. Аслият ғазаллар албатта, ўша даврда амал қилган ёзув-араб имлосида берилган.

Ишнинг иккинчи боби Вамберининг ўзбек халқ оғзаки ижодига оид тадқиқотлари ҳақида бўлиб, биринчи фаслда халқ оғзаки ижоди ҳақида назарий фикрлар киритилган. Сўнгра „Аҳмад ва Юсуф“ достони“ ва унинг немисча таржималари таҳлили ёритилган. Достонлар таржимаси бошқа поэтик асарлар таржимасидан фарқ қилиши ҳам ишда намоён қилинган.

Ишнинг учинчи бобида аввалги бобдаги мавзу – Вамберининг ўзбек халқ оғзаки ижодига оид тадқиқотлари ривожлантирилган. Бобда халқ мақолларининг таржималари ва бу ишдаги таржимоннинг маҳорати қаламга олинган. Мақоллар халқ қалбининг мухтасар баёни, халқ донишмандлигининг инъикоси бўлгани сабабли уларнинг таржималари ҳам мураккабликларга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ДТС талаблари асосида бўлиб, унда ўзбек, рус ва хорижий муаллифларнинг асарлари ва интернет сайтлари кўрсатилган.

: